

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017. Fil. 46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАҚУЛОВ УЗОҚ ҲАЙДАРОВИЧ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ «ХАМСА»СИДА ХРОНОТОП ПОЭТИКАСИ**

**10.00.07 – Адабиёт назарияси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по  
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on  
Philological Science**

<b>Жўрақулов Узок Ҳайдарович</b> Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси.....	3
<b>Джуракулов Узок Хайдарович</b> Поэтика хронотопа в «Пятерике» Алишера Навои.....	33
<b>Djurakulov Uzok Khaydarovich</b> Poetiks of chronotope of Alisher Navoi's «Khamsa».....	65
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	70

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017. Fil. 46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАҚУЛОВ УЗОҚ ҲАЙДАРОВИЧ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ «ХАМСА»СИДА ХРОНОТОП ПОЭТИКАСИ**

**10.00.07 – Адабиёт назарияси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.DSc/Fil.47 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Салоҳий Дилором Исомиддин қизи**  
филология фанлари доктори

**Аҳмедова Шоира Нематовна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uzlit.@uzci.net](mailto:uzlit.@uzci.net)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Назаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

**Р.Баракаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

**Н.Ф.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослиги XXI асрга келиб, Алишер Навоий сингари умумбашарий миқёсдаги ижодкорлар асарларини глобаллашган илмий-назарий тафаккур сатҳида ўрганиш муаммосини кун тартибига қўйди. Йил сайин янгилашиб, илмий жиҳатдан такомиллашиб бораётган назарий методлар тизимида тарихий ҳамда назарий поэтика тажрибаларини жаҳоншумул ижодкорлар асарларига уйғун татбиқ этиш, уларни тарихий жанрлар, композиция, сюжет, бадиий образ поэтикаси нуқтаи назаридан типологик ўрганиш замонавий жаҳон адабиётшунослиги марказида турган долзарб муаммога айланди. Алишер Навоий «Хамса» сани хронотоп назарияси асосида комплекс ўрганиш замонавий ўзбек адабиётшунослигини жаҳон бадиий тафаккурининг мана шундай глобал жараёнларига дахлдор этиши билан муҳимдир.

Ўзбек халқи тарихан бой маданият, ўзига хос турмуш ва тафаккур тарзига эга халқ сифатида дунёга ўнлаб мутафаккирларни тақдим этган бўлса, айтилганда Навоий шахсияти бир олтин ҳалқа ҳисобланади. Мустақиллик даври ўзбек навоийшунослиги манбалар таснифи, нашри, текстологик таҳлили, тарихий-биографик, қиёсий-тарихий, илмий-тасаввуфий тадқиқи борасида муайян ютуқларга эришди. Айтилганда, шоир ижодини умуминсоний кўламда, муаллиф диний-маърифий дунёқараши, бадиий-концептуал принциплари асосида ўрганиш, у ижод этган жанрлар, образлар тизими, сюжет ва композицион ўзига хосликлар, услуб поэтикаси масалаларининг типологик тадқиқи бугунги адабиётшунослик олдида турган муҳим масалалардандир.

Жаҳонга мустақил субъект сифатида танилаётган ўзбек халқи, биринчи навбатда, Навоий ва у каби буюк фарзандлари қолдирган улкан бадиий меросга таяниши, уларнинг туб моҳиятига етиши лозим. Ҳақиқатан ҳам, «Мутафаккир шоиримизнинг «Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами», деган сатрларида қанчалик чуқур маъно бор. Яъни бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир»<sup>1</sup>. Айтилган нуқтаи назардан Навоий ижодини минг йиллик Шарқ-ислом этикаси, шарқона поэтик критерийлар негизида ўрганиш, «Хамса» хронотопи поэтикасини жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ этиш янги ва долзарб муаммо саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 112.

ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, адабий-маърифий, илмий-назарий қарашлари, хронотоп поэтикаси муаммолари бўйича дунёдаги йирик илмий марказлар, олий таълим муассасаларида, жумладан, Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (РФ), Harvard University (АҚШ), Oxford University (Англия), University of Bonn (Германия), Slavic Research Center of Hokkaido University (Япония), University of Tehran (Эрон), Institut Francais d' Etudes sur l'Fsie centrele, IFEAC (Франция), Киев Миллий университети (Украина), Ankara Üniversitesi (Туркия), Baki Dövlət Universiteti (Озарбайжон), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоий ижоди ва хронотоп поэтикаси муаммоси юзасидан қуйидаги илмий натижаларга эришилган: Алишер Навоий биографияси, ижтимоий ва адабий муҳити хусусидаги маълумотлар умумлаштирилган, лирик, эпик, биографик, илмий-назарий асарларининг адабий-эстетик, типологик хусусиятлари очиқ берилган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети); Навоийнинг мумтоз Шарқ адабиётида тутган мавқеи компаративистик усулда ёритилган (Harvard University, Oxford University, University of Bonn, Institut Francais d' Etudes sur l'Fsie centrele, IFEAC); Навоий асарлари композицияси, сюжети, образларининг поэтик хусусиятлари очиқ берилган (Slavic Research Center of Hokkaido University, University of Tehran); Навоий ва Низомий,

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www/payam-aftab/cjm/en/news/3094/Ali-Shir-NBava> 27 i; [http:// dic / akademik / ru/ dic.nsf /](http://dic/akademik/ru/dic.nsf/); [http:// diction. chat/ ru /](http://diction.chat/ru/); [http:// top/ mail. ru/ jimp/](http://top/mail.ru/jimp/); [http:// dic / akademik / ru/ dic.nsf /](http://dic/akademik/ru/dic.nsf/); [http:// diction. chat/ ru /](http://diction.chat/ru/); [http:// top/ mail. ru/ jimp/](http://top/mail.ru/jimp/); [http://www/refurun;Com/n/ issledovanie-zhizni-itvorchestva-alishera-navoi-v-zapadnoevropeyskom-vostokovedenii # xzz 2 NOWXH 41 O](http://www.refurun.com/n/issledovanie-zhizni-itvorchestva-alishera-navoi-v-zapadnoevropeyskom-vostokovedenii#xzz2NOWXH41O) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Навоий ва мумтоз хамсанавислик анъаналари қиёсланган (Ankara Üniversitesi, Baki Devlet Universiteti); Алишер Навоий адабий меросининг манбалар кўлами белгиланган, асарлари адабиёт тарихи, фольклоршунослик, назарий адабиётшунослик, матншунослик ва матн поэтикаси асосида ёритилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат университети); поэтик сюжет трансформациясида хронотоп поэтикасининг роли аниқланган (Harvard University, Oxford University, University of Bonn); хронотоп термини ва унинг бадиий-эстетик асослари очиб берилган, роман, қисса, ҳикоя жанрлари, драматик ва лирик турлар хронотопининг специфик хоссалари белгиланган, тарихий образлар динамикасида хронотоп поэтикасининг ўрни ва аҳамияти кўрсатилган, хронотоп шакллари барча адабий жанрлар, бадиий компонентларни ҳаракатлантирувчи муҳим поэтик бирлик экани асосланган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети); бадиий асар сюжети, композицияси ва образлар тизимининг хронотоп назарияси билан изчил поэтик муносабати, бадиий вақт концепцияси муаммолари асосланган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Бухоро давлат университети).

Дунёнинг йирик олимлари томонидан қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Навоий ижод этган тарихий жанрлар типологиясини ёритиш; Навоий асарларининг композицион хусусиятларини очиб бериш; «Хамса» сюжети ва образлари трансформациясини асослаш; бадиий хронотоп шакллари ва уларнинг Шарқ ва Ғарб адабиёти контекстида намоён бўлиш хоссаларини белгилаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Навоий «Хамса» сининг илк нашри 1939 йилда амалга оширилган. 1960 йили П.Шамсиев томонидан «Хамса»нинг мукамал нашри чоп этирилган. Айни пайтда Навоий асарлари 15 томлиги нашр қилинган. 1987–2003 йиллар оралиғида Навоийнинг 20 томлик «Мукамал асарлар тўплами», 2011 йилда 10 томлик «Тўла асарлар тўплами» нашрдан чиқди. Шоир асарлари нашрига доир ишлар адабий-тарихий жараён ривожига тўрт жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатди: а) манбашунослик ва матншунослик соҳаси академик тизимини шакллантирди<sup>3</sup>; б) Навоий меросининг комплекс ўрганилишини таъмин этди; в) қиёсий-тарихий ва назарий йўналишдаги тадқиқотлар савиясини оширди; г) шоир эпик ижоди, хусусан, «Хамса» поэтикаси муаммоларини тадқиқ этишга йўл очди. Ижтимоий давр ва адабиётшунослик методологияси билан боғлиқ айрим муаммоларни истисно этганда XX асрнинг 20-йилларидан бугунга қадар навоийшунослик мустақил йўналиш сифатида аниқ қиёфа касб этди.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (қиёсий-типологик, текстологик таҳлил): Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1998. – 45 б. Шу муаллиф. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.

Хамсашуносликка доир дастлабки тадқиқотлар миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти вакиллари томонидан амалга оширилди. 20-йилларда А.Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» китобидаги матншунослик ишлари, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ҳақидаги тадқиқоти, В.Маҳмуднинг айрим мақолалари таркибида келган қайдлар ва муқоясаларда, А.Саъдийнинг мақолалари, докторлик диссертациясида шоир эпик ижодига мурожаат этилгани кузатилади<sup>4</sup>. 30 – 40-йилларда чоп этилган Олим Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий», «Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижодиёти», С.Айнийнинг «Алишер Навоий», М.Шайхзоданинг «Гениал шоир» номли тадқиқотларида, «Ўзбек адабиётининг асосчиси» деб номланган илмий тадқиқотлар тўпламида Навоий биографияси ва ижоди умумконтекстида хамсашунослик масалаларига ҳам диққат қаратилди. Ҳ.Зариф, Ҳ.Олимжонларнинг баъзи тадқиқотлари чоп этилди. Рус навоийшуносларидан В.Бартольд, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, А.Якубовский, А.Болдиревларнинг салмоқли тадқиқотлари майдонга келди<sup>5</sup>. Айниқса, бу ўринда Навоий ҳаёти ва ижоди, хусусан, «Хамса»ни қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, текстологик аспектларда комплекс тадқиқ этган Е.Э.Бертельс тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш лозим.

В.Зоҳидов, Ҳ.Сулаймон, И.Султон, А.Қаюмов, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, А.Рустамов, Б.Валихўжаев, С.Эркинов, Н.Комилов, Ё.Исҳоқов, Р.Воҳидов, И.Ҳаққуловларнинг 60 – 90-йилларда ёзилган тадқиқотларида Навоий эпик поэзияси фольклор, мумтоз Шарқ адабиёти билан қиёсланди, ижодий метод, поэтика, тасаввуф муаммолари юзасидан тадқиқ этилди<sup>6</sup>.

Мустақиллик даврида мутафаккир ижодини тасаввуфий, диний-маърифий, қиёсий-типологик, текстологик, герменевтик ва назарий адабиётшунослик аспектларида ўрганиш анъанаси кучайди<sup>7</sup>. Бу давр навоийшунос-

<sup>4</sup> Қаранг: Жўракулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 7-53.

<sup>5</sup> Қаранг: Халлиева Г.И. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2016.

<sup>6</sup> Қаранг: Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983; Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Тошкент: Фан, 1985; Воҳидов Р. Взаимосвязи узбекской и персидско-таджикской литератур во второй половине XV – начале XVI в. (Историко-типологический аспект): Автореф. дисс... док. филол. наук. – Тошкент, 1987; Хасанов С. Роман о Бахраме. – Тошкент: Издательство литературы и искусства, 1988; Ҳаққул И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989 ва бошқ.

<sup>7</sup> Қаранг: Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: Камалак, 1991; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991; Қосимхонов Б. Саййид Қосимий ва унинг адабий-дидактик достонлари: филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1991; Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Эзгулик умр мазмуни. – Тошкент: Фан, 1992; Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Воҳидов Р. Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 1994; Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1997; Эркинов А.С. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1998; Саримсоқов Б. Алишер Навоий поэтик синтаксисидagi бир усул ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – №2; Жўраева Н. Ўзбек мумтоз шеъриятида байт поэтикаси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2004; Маматқулова Х.А. Алишер Навоий ва Вильям Шекспир ижодида бадиий тамойиллар муштараклиги ва

лигининг энг муҳим хусусияти ундаги методологик тамойиллар хилма-хиллиги, эркинлиги ва миллий маънавият билан уйғунлигида кўринади.

Биз Навоий «Хамса»сига татбиқ этган хронотоп поэтикаси, жаҳон ва рус адабиётшунослигидаги марказий муаммолардан бири ўлароқ, муайян даврлар, адабий оқимлар, ижодий методлар, конкрет адабий фигуралар, жанрлар ва турли жанр компонентлари, филология фалсафаси доирасида тадқиқ қилинган. В.Топоров, М.Ахундов, А.Гуревич, Н.Трубников, П.Флоренский, Е.Войтович, Е.Ефремова, О.Резина, Б.Сорокин, Т.Прохорова, М.Гейо, Н.Ржевскаялар тадқиқотларини кузатсак, бунга тўла амин бўламиз<sup>8</sup>. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, жаҳон ва рус адабиётшунослигидаги хронотоп поэтикасига оид барча тадқиқотларнинг моҳиятида рус олими Михаил Бахтиннинг қатор фундаментал тадқиқотларида асосланган назарий концепциялар туради<sup>9</sup>. Ўзбек адабиётшунослигида айтилган муаммо доирасида қилинган ишлар у қадар кўп эмас. Бу борада бадиий вақт тизими, роман хронотопи, хронотоп назарияси тарихи, хронотоп поэтикаси ва ўзбек мумтоз дostonчилигига доир санокли тадқиқотларни қайд этиш мумкин<sup>10</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Замонавий ўзбек адабиётида жанрлар спецификаси» мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот ишлари ҳамда ФА-Ф1-Г040 рақамли «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» (2012–2016 йй.) номли фундаментал лойиҳа таркибида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Алишер Навоий «Хамса»даги жанр, композиция, сюжет, образ муаммоларини тарихий жанрлар контекстида хронотоп назариясига кўра асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Навоий «Хамса»сининг тарихий жанрлар контекстида тутган ўрни ва поэтик моҳиятини белгилаш;

---

ўзига хослик («Лайли ва Мажнун» дostonи ҳамда «Ромео ва Жульетта» трагедияси мисолида): Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2009; Қозихўжаев А. Ғазал ғаройиботларининг ибтидоси // Соҳибқирон юлдузи, 2010. – №2; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011; Жабборов Н. «Хамса»нинг калити // Тафаккур, 2011. - №1; Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмининг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011; Мамадалиева З. «Лисон ут-тайр» дostonидаги рамзий образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2011 ва бошқ.

<sup>8</sup> <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; <http://top/mail.ru/jimp/>; <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; <http://top/mail.ru/jimp/> ва бошқ.

<sup>9</sup> Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Сов. писатель, 1963. Его же. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Худ. лит., 1975. Его же. Литературно-критические статьи. – М.: Худ. лит., 1986. Его же. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986.

<sup>10</sup> Шодиев Н. Горизонты эпоса. – Ташкент: Изд-во лит. и искусства, 1986; Шодиев Н., Тўраева Б. Тарихий вақт ва унинг системаси. – Тошкент: Fan va texnologiya nashriyoti, 2012; Абуталиева Э. Пространства и время в русской прозе Средней Азии: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1993; Носиров А. Бадиий асарда эпик вақт тасвири // Хорижий филология, 2003.-№4.-Б. 46-48; Умарова М. Тарихий драмада бадиий вақт концепцияси (Шекспир ва Фитрат драмалари мисолида): Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2011; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.

«Хамса» жанр тизимида «композицион қолип» истилоҳининг тарихий ва назарий моҳиятини ёритиш;

Навоий «Хамса»сидаги биринчи достон – «Ҳайрат ул-аброр»нинг жанр ташкилловчилик хусусиятини очиб бериш;

биринчи достондаги «дебоча», «уч ҳайрат», «мақолатлар» ва «ҳикоятлар» хронотопининг «Хамса» семантикаси ва структурал тизимидаги ўрнини аниқлаш;

«Хамса» сюжетида «йўл», «сув», «сахро», «қаср», «тоғ-ғор» хронотоплари семантик вазифасини асослаш;

«Хамса» образлар тизимида «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб» учлигининг генетик, тадрижий, бадий-функционал хусусиятларини кўрсатиш;

«Хамса»да тарихий ва метафорик образлар хронотопи муаммосини илмий-таснифий асослаш;

Навоий «Хамса»сининг хронотоп кўлами, жанр хусусиятлари, бадий потенциалы, Шарқ мумтоз адабиётига хос спецификаси, тарихий тадриж, поэтик таъсир қонуниятлари, уч замон ва уч макон воқелигини поэтик идрок этишда муаллиф дунёқараши, эътиқоднинг ўрни муаммолари юзасидан назарий умумлашмалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Алишер Навоий «Хамса»си, «Хамса»гача ва ундан кейин майдонга келган бадий, бадий-тарихий, илмий-биографик ва адабиётшунослик асарлари тадқиқ этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** Навоий «Хамса»сини Шарқ мумтоз поэтикаси, Ғарб адабиётининг эпик, лирик ва драматик жанрлари контекстида қиёслаш, универсал жанр, композицион қолип, сюжет поэтикаси, ошиқ – маъшуқа – рақиб, тарихий ва метафорик образлар хронотопи сингари назарий муаммолар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, маданий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, психологик, психоаналитик, структурал таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жаҳон, хусусан, ўзбек адабиётшунослиги тарихида илк бор «Хамса» хронотопи муаммоси тарихий ва назарий поэтика синтези асосида ёритилган;

Навоий «Хамса»сининг шунчаки беш достон мажмуаси эмас, мустақил поэтик тизимга эга универсал жанр экани аниқланган;

«Ҳайрат ул-аброр»нинг «Хамса» достонларини ягона контекстда уйғунлаштирувчи, универсал хронотоп майдонига эга «композицион қолип» экани назарий асосланган;

«Хамса» сюжетининг «йўл», «сув», «сахро», «қаср», «тоғ-ғор» сингари бадий хронотоп шакллари жамловчи бир бутун поэтик система экани исботланган;

«ошиқ – маъшуқа – рақиб» деб номланувчи бирламчи (энг қадимги) тизимга мансуб универсал образларнинг «Хамса» контекстидаги семантик-структурал хоссалари белгиланган;

«Хамса»даги тарихий, метафорик образларнинг бир нечта мустақил тип ва поэтик гуруҳлардан ташкил топган, мукамал бадиий бирликлар экани очиб берилган;

Навоий «Хамса»си асосида жанр, композиция, сюжет ва образ универсаллиги, хронотоп поэтикасига доир назарий хулосалар чиқарилган.

**Диссертациянинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий сингари улкан мутафаккирлар ижодий мероси ва жаҳон адабиёти бадиий контекстида Навоийга хос диний-маърифий тафаккур кенгликлари, ижодининг хронотоп кўлами, унинг миллий ва жаҳон эстетикасининг чўққиларидан бири экани асосланган;

Навоий ижодидаги гуманизм, юксак этика, олий дидактикани намоён этувчи иймон, адолат, карам, сидқ, одоб, илм, вафо, саховат, шукр, сабр-қаноат, тўғрилиқ, камтарлиқ, ҳилм, омонатдорлик каби умумбашарий концепциялар моҳияти хронотоп поэтикаси кўламида ёритиб берилган;

Навоий «Хамса»сидаги «уч олам»ни комплекс ифода этувчи «аввалги олам», «ўрта олам» ва «қуйи олам» тушунчалари назарий истилоҳ сифатида «Хамса» хронотопининг моҳиятини ташкил этиши исботланган;

«Хамса» сюжети поэтикаси эпос, роман, қисса, ҳикоя, трагедия каби қадим жанрлар сюжети билан қиёсий-типологик таҳлил этилган;

«Хамса» сюжети ва образлари хронотопи тадқиқи асосида Навоий бадиий тафаккурида инсон концепциясининг кўлами ва аҳамияти ёритилган;

Навоий «Хамса»си хронотопи таҳлили асосида ундаги диний-маърифий, умумбашарий ва миллий хусусиятлар ҳақида назарий ва амалий умумлашмалар илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси муаммосини тарихий ва назарий поэтика аспектларда ёритиб берилганлиги, бунда қиёсий-тарихий, маданий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, психологик, психоаналитик, структурал таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, Шарқ мумтоз адабиёти спецификасидан келиб чиқиб, бадиий хронотоп назариясига хос янги истилоҳлар ишлаб чиқилганлиги, назарий истилоҳларни белгилашда, тушунчаларга илмий тавсиф беришда, хронотоп поэтикасининг соф шарқона асосларини ёритишда бевосита Навоий эстетик концепцияларига таянилганлиги, шу асосда илмий-назарий хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан адабиёт назарияси, мумтоз адабиёт тарихи, жаҳон адабиёти тарихи, мумтоз поэтика, тарихий поэтика, назарий поэтика, хамсашунослик, дoston жанри назарияси, роман, қисса, ҳикоя, лирик ва драматик жанрлар типологиясига оид тадқиқотларда, жанр, композиция, сюжет, образ, мотив сингари соф бадиий компонентлар спецификасини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот гуманитар йўналишдаги олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари учун «Адабиёт назарияси», «Адабиёт тарихи», «Жаҳон адабиёти тарихи», «Қиёсий адабиётшунослик», «Бадиий асар поэтикаси», «Хронотоп назарияси», «Тарихий ва назарий поэтика» фанлари ва ўқув курслари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, ихтисослик фанлари назарий базасини шакллантиришда амалий восита бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мумтоз адабиёт назарияси, хамсашунослик ва Навоий ижодини жаҳон бадиий тафаккури контекстида типологик тадқиқ этиш, миллий адабиёт назариясининг тарихий-бадиий, илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, илмий-амалий натижаларни белгилаш асосида:

Навоий ва жаҳон адабиёти масалалари, «Хамса» ва эпос, роман, қисса жанрлари типологиясига доир хулосалардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ФА-Ф1-Г040-рақамли «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 26 сентябрдаги ФТА-02-11/737-сон маълумотномаси). Шу асосда Шарқ ва Ғарб адабиёти типологияси, жанр, композиция, образ хронотопига доир назарий хулосалар чиқарилган;

Навоий ижодий меросининг Марказий Осиё халқлари адабиётига кўрсатган таъсири, қиёсий тавсиф ва илмий тасниф масалаларига оид назарий хулосалар Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейининг Ф1-ФА-0-55746 «Марказий Осиё халқлари адабий қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва унинг илмий тавсифини нашрга тайёрлаш» фундаментал лойиҳасига татбиқ этилган (Адабиёт музейининг 2017 йил 14 сентябрдаги 075/2-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида «ошиқ – маъшуқа – рақиб» деб номланувчи бирламчи тизимга мансуб универсал образларнинг семантик-структурал хоссалари белгиланган, адабий таъсир, анъанавийлик, новаторлик муаммолари очиб берилган;

Навоий шахсияти ва ижодига оид хулосалардан Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг биринчи жилди (Тошкент, 2000. – 120, 121, 122, 124, 125-бетлар)ни тайёрлашда фойдаланилган («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг 2017 йил 28 ноябрдаги 01 – 598-сон маълумотномаси). Натижада «Хамса» сюжети ва образлари масалалари ойдинлаштирилган;

тадқиқотда илгари сурилган «Хамса» хронотопи ва поэтикасига доир хулосалар Туркиянинг Карабук университети турк тили ва адабиёти бўлими «TED 277 Tasavvufi Türk Edebiyatı ve TDE 445 Dilbilim I» ўқув машғулотида назарий манба бўлиб хизмат қилган (Карабук университетининг 2017 йил 29 ноябрдаги 007/3-сон маълумотномаси). Натижада хронотоп назарияси моҳияти, «Хамса»нинг жанр ва композицион

хусусиятлари очиб берилган, асардаги «ошиқ» – «маъшуқа» – «рақиб», тарихий ҳамда метафорик образлар ҳақида муҳим хулосаларга эга бўлинган;

«Ҳайрат ул-аброр» «Хамса» дostonларини ягона жанр контекстда уйғунлаштирувчи «композицион қолип» экани ҳақидаги тадқиқот хулосалари Туркиянинг Ғози университети адабиёт факультети «CLE 105» Kodlu «Klasik Türk Edebiyatı-I» «1010045» Kodlu «Eski Türk Edebiyatının Kaynakları-I» йўналишларида назарий манба сифатида татбиқ қилинган (Ғози университетининг 2017 йил 27 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг Алишер Навоий «Хамса»си бадиияти ҳақидаги билимларини оширишга эришилган;

«Хамса» сюжетидаги «йўл», «сув», «сахро» сингари бадиий хронотоп шакллари, «ошиқ – маъшуқа – рақиб» образларининг поэтик хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан Туркиянинг Ғози университети адабиёт факультети «1060064 Kodlu Türkolojiye Giriş-I» йўналишида фойдаланилган (Ғози университетининг 2017 йил 27 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётда татбиқ этилиши Шарқ мумтоз адабиётидаги маърифий-бадиий, адабий-эстетик ходисаларни типологик ўрганиш бўйича назарий умумлашмалар чиқаришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканалининг ҳар ҳафта эфирга узатиладиган «Хамсахонлик» номли туркум кўрсатувида, «Биз кимларнинг авлодимиз?» (Алишер Навоий), «Дунё адабиёти» (Л.Н.Толстой) кўрсатувларида диссертация натижалари муҳим методологик асос вазифасини бажариб келмоқда (ЎзМТнинг 2017 йил 15 сентябрдаги 01-17/705-сон маълумотномаси). Натижада Навоий ижодининг маънавий-маърифий, ижтимоий-эстетик аҳамиятини атрофлича ёритишга асос бўлмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот иши натижалари жами 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан 1 та илмий тадқиқотлар тўплами, 1 та монография, 1 та таржима (2 б.т.дан иборат тадқиқот, изоҳ ва шарҳлари билан), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 15 илмий мақола, жумладан, 13 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 264 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида қўйилган назарий муаммонинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети ёритилган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг аҳамияти қайд этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, диссертация таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Бадиий хронотоп ва «Хамса» поэтикаси муаммолари»** тадқиқига қаратилган биринчи боби икки бўлимдан таркиб топган. Биринчи бўлим «Хамса» хронотопи тарихий жанрлар контекстида» деб номланади.

Моҳиятан ҳар қандай бадиий-эстетик ҳодиса анъанавий, яъни тарихийдир. Тарихий поэтика бадиий анъанавийликка хос қонуниятларни ўрганади. Бундай қонунлар тизими бадиий талқиннинг барча умумий ва хусусий томонларини қамраб олади. Шу нуқтаи назардан у муайян ижодкор ёки миллий адабиёт доирасида чекланиб қолмайди. Умумэстетик, умумназарий моҳият касб этади. Тарихий поэтика тушунчаси замонавий адабиётшунослик илмига XIX асрнинг охирларида кириб келди. Унинг методологик асослари рус олими А.Н.Веселовский томонидан ишлаб чиқилган<sup>11</sup>. Бугун тарихий поэтиканинг қатор назарий мезонлари, тадқиқот йўсинлари маълум. Тарихий поэтика аксарият миллий адабиётлар, жаҳон халқлари бадиий тафаккури силсиласида адабий-тарихий амалиёт ва назарияни уйғунлаштирувчи восита ўлароқ яшаб келади. Шу сабабдан тарихий поэтика адабиёт назарияси, ҳатто бир бутун адабиётшунослик илмининг пойдевори ҳисобланади.

Муҳими, сўз юритилган поэтик ҳодисалар, истисносиз тарзда, бадиий хронотоп иштирокида амалга ошади. Биз айнан хронотоп шакллари таҳлили орқалигина синкретизм, синтетизм ёки дифференциацион ва модификацион жараёнларнинг тарихий моҳиятини тўла англашимиз мумкин. М.Бахтин ифодаси билан айтганда: «Тафаккур кенгликларига томон ҳар қандай парвоз фақат хронотоп қопқаси орқали бўлади»<sup>12</sup>. Хронотоп – туб моҳиятига кўра тарихий тушунча. Ушбу назарий истилоҳ юнонча *chronos* (замон, вақт) ва *topos* (макон, жой) сўзларининг қўшилмасидан ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида замонмакон деган маънони билдиради. Барча табиий-астрономик, ижтимоий-тарихий, маданий-фалсафий, бадиий-эстетик ҳодисалар жараёнида замон-маконнинг уйғун ҳаракатини ифодалайди.

Бадиий адабиёт хронотопнинг барча тип ва шакллари маълум маънода қамраб олади. Бунда, албатта, бадиий асарнинг мазмун ва шакл кўлами

<sup>11</sup> «Тарихий поэтика» истилоҳи илк бор А.Н.Веселовский томонидан 1893 йилда «Тарихий поэтикага кириш» мавзуидаги маърузада қўлланган. 1894 йилда расмий нашрларда чоп этилган (- У.Ж.).

<sup>12</sup> Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси (Авторефератда келадиган барча иқтибослар шу манбадан олинади). – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 257.

муҳим аҳамият касб этади. Поэзиянинг қандай пайдо бўлгани, унинг илк синкретик қиёфаси қайси шаклда бўлгани, илк одам кимга ёки нимага тақлидан илк поэзия намуналарини ижод этгани хусусида А.Н.Веселовский ва бошқа қатор олимлар турли фикр-қарашларни илгари суришган. Буларни назарий умумлаштирганимизда поэзиянинг илк босқичи синкретизм, деган умумий хулосага олиб келади. Бадиий адабиётнинг синкретизмдан кейинги босқичи эса синтетизм деб аталади. Бу босқичда дифференциация жараёнлари билан параллел равишда адабий жанрлар, сюжет, композиция, образ, мотив, услуб сингари бадиий компонентларнинг канонлашув механизми ишга тушган. Поэтика илмининг муҳим бирликлари – адабий тур ва жанрлар майдонга келган.

«Хамса» Шарқ-ислом бадиий тафаккурида фаол тарзда намоён бўлган синтетизм жараёнининг маҳсулидир. Чунки «Хамса» ўзининг шаклланиш босқичларида илоҳий китоблар, жаҳон халқлари мифологияси, фольклор ва ёзма адабиёт жанрлари билан изчил тарихий-поэтик муносабатга киришган. Бунга асос сифатида илоҳий китоблар, Пайғамбарлар қиссалари, Шарқ ва Ғарб адабиётидаги лирик, эпик, драматик турларга оид жанрлар, композиция, сюжет, образ, мотив, деталь сингари бадиий компонентларнинг «Хамса» поэтик структурасига ислом призмаси негизида синтезлаштирилганини кўрсатиш мумкин.

Диссертацияда «Хамса»нинг жаҳон бадиий тафаккури тарихидаги ўзига хос бадиий синтез ҳодисаси экани эпос, роман, қисса ва бошқа жанрлар билан қиёсий таҳлил этиш асосида исботланган. Шунга кўра, биринчи бобнинг иккинчи бўлими жанр хронотопи тадқиқига йўналтирилди ва «Хамса» универсал жанр сифатида» деган муаммо кўйилди.

«Хамса» синтетизм босқичига тегишли эстетик ҳодиса. Аммо жаҳон халқлари бадиий тафаккури ташкил этган адабий-тарихий жараён майдонидаги ягона синтетик тизим «Хамса» эмас. Синтетик тизимнинг бевосита хамсачиликкача бўлган бадиий адабиётга оид мисоллари қадим Шарқ ва антик юнон эпослари, хусусан, ўзбек эпослари «Алпомиш» ва «Гўрўғли» туркуми дostonларида, Гесиоднинг «Теогония», Овидийнинг «Метаморфозалар» асарларида кузатилади. Уларнинг дастлабкиларида Ватан ва алп тушунчалари, кейингиларида плитеистик эътиқод излари ўзак бадиий концепцияни ташкил этади. Юнон романлари, «Шоҳнома», «Анбиёлар қиссалари» структурасида синтетизм тамойили изчил суратда кузатилади. Бу жиҳат драматик жанрларга ҳам тегишли бўлиб, муаллифга ҳаёт воқелигидаги мураккаб жараёнлар, чигал психологик вазият ва ҳолатларни ягона ракурсда тасвирлаш имконини беради. Шунингдек, Европа лирикасида ўнлаб сонетларни бир жанр ичида синтезлаш орқали сонет-дoston (поэма) ижод этиш анъанаси мавжуд. Бунда тамоилага «бегона» жанр (сонет) йиғиндисидан бошқа бир жанр (поэма) майдонга келади. Синтетизм жараёнида жанр канонизациясига хос икки тизим кўзга яққол ташланади: а) турли жанр ва жанр компонентларининг ягона жанр доирасида мужассамланиши; б) бир ёки

бир нечта жанр намуналарининг бир асар таркибига бирикуви натижасида янги жанрнинг майдонга келиши.

Профессор Ботир Валихўжаев Алишер Навоий «Хамса»сида Шарқ насри анъаналари муносабати билан: «Алишер Навоийгача бўлган Шарқ адабиёти тарихида насрий ва назмий *туркум асарлар* ижод қилишда муҳим ишлар амалга оширилган эди. Бундай асарлардан насрда битилган «Калила ва Димна», «Минг бир кеча», назмда яратилган «Шоҳнома» (Абулқосим Фирдавсий) кабиларни эслатиш мақсадга мувофиқдир» (таъкид бизники – У.Ж.) деб ёзади<sup>13</sup>. Ҳақиқатан, «Калила ва Димна» билан «Минг бир кеча» асарлари композицион қурилиши жиҳатидан нисбий поэтик система шаклини намоеън этади. Негаки, бу икки асар бир қарашда новелла (ҳикоят)лар тўпламига ўхшаб туюлса ҳам, туркумга хос мавзу хилма-хиллиги, мазмун тарқоқлиги, фабулавий ноизчилликдан йироқ, бир бутун композицияга эга. Бу ўринда асарлар структурасидаги бутунликни қолипловчи фабула, аниқ айтганда, қолип-композиция таъминлайди. «Калила ва Димна»да қолип-композиция вазифасини «Калила ва Димна» қиссаси бажаради. Ушбу қисса-қолип ичидаги барча новелласимон сюжетлар унга ҳам мазмун, ҳам шакл хоссасига кўра боғланади. Шунинг учун ҳам бу асарнинг номланиши, бадиий идрок этилишида бирор киритма-новелла доминантлиги сезилмайди. Асар бутун ҳолатда «Калила ва Димна» қиссаси тарзида қабул қилинаверади. «Минг бир кеча»да ҳам худди шу тамойил амал қилади. Юзлаб мавзу ва шаклдаги ҳикоят, ривоят ва новеллаларни марказида биргина қаҳрамон (эртак тингловчи шоҳ) турган қисса-новелла бирлаштириб туради. Айни пайтда, асардаги сон-саноқсиз хронотоп шакллари бир минг бир кеча воқеалари ҳикоя қилинган қолипловчи хронотопда уйғунлашади. Аммо, таъкидлаш жоизки, Шарқ бадиий тафаккурига мансуб бу икки фольклор асари ҳам том маънода бадиий системага айлана олмаган. Барча жанр ташкил этувчи унсурларнинг мавжуд эмаслиги уларнинг том маънода мустақил жанрга айланишига монелик қилган.

Кўринадикки, «Хамса»дек универсал жанр тизими шакллангунга қадар Шарқ адабиёти турли-туман тажриба босқичларини босиб ўтган. Тавсифи келтириб ўтилган туркумлар, тўпламлар, жанр шакллари хамса жанрининг вужудга келишида муҳим роль ўйнаган. Албатта, бунда Навоийгача бўлган хамсачилик анъаналарининг аҳамияти ҳам ўзига хос. Аммо фақат Навоий «Хамса»сига келибгина поэтик шаклланиш жараёни ниҳояланди. «Хамса» универсал бадиий системага эга, мустақил жанрга айланди. Уни мустақил жанр дейишимизга асос берувчи, жанр системасини таъминловчи каноник бирликлар такомил босқичига етди. Бунда жанр ташкилловчи композицион қолип вазифасини беш дostonдан биринчиси бажарди. Таҳлил натижаларига кўра, «Хамса»даги «қолипловчи-doston» кейинги тўрт doston билан бешта универсал поэтик канон воситасида боғланади. Булар: а) эпик макон; б) эпик

<sup>13</sup> Валихўжаев Б. Алишер Навоий «Хамса»сининг Шарқ хамсачилиги анъанасида тугган ўрни /Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти номли илмий тўпламда. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 8.

замон; в) сюжет ва фабулавий тизим; г) бадиий образ; д) эпик концепция универсаллигида намоён бўлади. Бундай концептуал бутунлик ва универсалликни «Хамса» матнидаги қатор ишоралар, хусусан, сўнги достонда келган қуйидаги мисралар мукамал ифодаляди:

*Дема панжа они, қатиқ хора де,  
Дема хора, пўлоди якпора де...*<sup>14</sup>

Диссертациянинг иккинчи боби биринчи бобнинг узвий давоми бўлиб, унда «**Биринчи достон**» ва **универсал хронотоп муаммоси**» ўрганилган. Бобнинг «Эпик композиция хронотопи: «дебоча» поэтикаси» деб номланган биринчи бўлимида дастлабки бобда илгари сурилган универсал «композицион қолип» концепцияси конкрет матн, яъни Алишер Навоий «Хамса»сидаги биринчи достон – «Ҳайрат ул-аброр» таҳлили мисолида назарий асосланган.

Мумтоз ғазалчилик (девои тартиб бериш жараёни), достончилик, хусусан, хамсачилик муаммолари тадқиқ этилган монографик ишларда улардаги «Дебоча» қисми маълум маънода ўрганилган. Айрим адабиётшунослар уларни «анъанавий кириш қисми» сифатида таърифлашган бўлса, баъзилари муаллиф биографияси, асарнинг ёзилиш тарихи, «девои»ларнинг композицион жиҳатлари билан боғлиқлиги ҳақида фикр билдирганлар<sup>15</sup>. Аммо навоийшуносликда «Хамса»нинг биринчи достони дебочасининг жанр тизимидаги семантик-структурал аҳамияти, ундаги композиция, сюжет, образларни асар бадиий хронотопи доирасида жамловчи, умумлаштирувчи бир бутун система сифатида тадқиқ этиш тажрибаси кузатилмайди.

Навоий «Хамса»сидаги «қолипловчи достон» дебочаси ўн еттита умумлаштирувчи композицион бўлакдан таркиб топган. Биринчи бобнинг илк мисраларидан бошлаб «Хамса» услуби аниқ бир изга тушади. Бу «тизимли зидлов» (контраст) услуби бўлиб, унда иймон-куфр, маърифат-жаҳолат, яхши-ёмон, оқ-қора, кун-тун, ўт-сув, ширин-аччиқ сингари беҳисоб тушунчалар, воқеа-ҳодисалар шу тарзда тасвир этилади. Баён аввалида ўртага ташланган тезис изчил суратда икки зид қисмга ажратилади, аввал уларнинг бири, сўнг иккинчиси мукамал тавсифланади, ҳар иккисига тўла таъриф бериб бўлингач, яна тезисга қайтилади ва хулоса (ҳисса, синтез) чиқарилади. «Дебоча»даги «хамд» ва «муножот» бўлимларида «уч олам» – чек-чегарасиз, астрономик замон-макон тушунчалари ифода эта олмайдиган

<sup>14</sup> Алишер Навоий. МАТ. Т. 11. Хамса. Садди Искандарий. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 562.

<sup>15</sup> Қаранг: Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1963; Солиҳова М. Алишер Навоий девонларига ёзилган дебочаларда шоир биографиясига оид маълумотлар / Адабий мерос. 1-китоб. – Тошкент, 1968; Зоҳидов В. Дебоча сири / Ҳаётбахш бадиият тароналари тўлламида. – Тошкент, 1975; шу муаллиф. Яна бир дебоча шаҳодати / Жаҳон бадиияти зарварақлари. – Тошкент, 1980; Ойбек М.Т. Адабий-танқидий мақолалар. МАТ. Т. 13. – Тошкент, 1979; Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Навоийнинг ўз қўлёзма девони // Шарқ юлдузи, 1979. – №7; Ғаниева С. Алишер Навоий насрида назм ва унинг роли // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – №6; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент, 1983; Абдуғафуров А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиш санаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. – №4; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Каримова Ф. Ўзбек адабиётида дебоча: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1993.

оламлар тизими – тасвир этилади. Шунга асосан уларни «аввалги олам», «ўрта олам» ва «куйи олам» тарзида ички таснифий бўлакларга ажратдик.

«Дебоча»да Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётларининг тарихий-биографик солномаси беш наът доирасида ҳикояланади ва бундаги ҳар бир босқич аброр-одамга хос аниқ концепцияни илгари суришга хизмат қилади. Шунингдек, уларнинг ҳар бири ўзига хос хронотоп шакллариغا эга. «Дебоча»нинг «наът»дан кейинги қисми «композицион қолип»га хос уч муҳим масалани қамраб олади. Булар: 1) хамсанавислик тарихи, салаф хамсанавислар, устозлар билан катта миқёсдаги бадиий дискурс; 2) «Хамса» жанрининг семантик-структурал асоси бўлган сўз ва маъни ҳақидаги мушоҳадалар; 3) «Хамса» бўлимларида серқатлам маъноларда келадиган инсон кўнгли масалаларидир.

«Қолиповчи дoston» контекстида дискурс объекти сифатида, асосан, Навоийнинг уч буюк салафи – Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий танланади (фақат баъзи ўринлардагина бошқа шоирлар, жумладан, Ашраф тилга олинади). Уларнинг иккитаси Навоийгача яшаб ўтган, айниқса, хамсачиликнинг асосларини ишлаб чиққан устозлар сифатида Навоий танловида муҳим ўрин тутган бўлса, Абдурахмон Жомий замондош ҳамда рағбатлантирувчи, кўллаб-қувватловчи пир ўлароқ бу икки хамсанавис ёнидан жой олган. Қолаверса, Абдурахмон Жомийнинг «Ҳафт авранг»и таркибига кирувчи уч достони («Тухфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр», «Хирадномаи Искандарий») Навоий қолиповчи достонига концептуал асослари, мазмун ва шакл жиҳатидан жуда яқин. Мулоқот сўнгидаги:

Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,  
Мен ҳам ўлай «робиухум калбиҳум»<sup>16</sup> ...

мисралари ушбу мулоқотнинг улкан бадиий-маърифий (ислом маърифати) майдонда кечишини таъкидлайди. Навоий табиатидаги комил одоб ва камтарликни кўрсатади. Айни пайтда, муаллифнинг «Хамса»да акс этган сўз ва маънига оид концептуал қарашлари билан уйғунлашиб кетади.

Кўнгил таърифи боби «Дебоча» хронотопида тўртта вазифа бажаради: а) кўнгил мақоми ва унинг «уч олам хронотопи» билан боғлиқлиги; б) кўнгил моҳиятига умумбашарий чизги бериш; в) айни феноменнинг «Хамса»да талқин этилиши кўзда тутилган кўринишларига ишора; г) «Дебоча»ни хулосалаш ва ўқувчини асосий қисмга йўналтириш.

Умуман, «Дебоча» хронотопи «Хамса» контекстида кейинги композицион қисм (кейинги дoston)лар учун поэтик очқич вазифасини бажаради. Шунингдек, муаллиф дунёқараш, эътиқоди, истеъдоди, бадиий

<sup>16</sup> Алишер Навоий. МАТ. Т. 7. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 56. Бу байт мазмунан «Каҳф» сурасидаги «тўртинчиси ит эди» деган илоҳий хабарга ишора қилади. Айни ишора, биринчидан, мулоқотнинг ўта улкан исломий маърифат миқёсида кечишини таъкидласа, иккинчидан, ўзини уч устоз ёнидаги итга ўхшатган муаллифнинг бақо илинжида фақирликни касб этган буюк шахсият эгаси эканини кўрсатади. Учинчидан, «Каҳфи бақо» бирикмасида муаллифнинг «аввалги олам» ва ундаги боқий саодат ҳақидаги азалий орзуси намоён бўлади. Ниҳоят, Навоий бақо тушунчасини, Қуръони Карим матнига ассоциация тарзида, фор тушунчаси билан боғлаб, бадиий жиҳатдан реаллаштирилган тасвирини беришга эришади (-У.Ж.).

концепцияси ва муаллиф образини намоён этувчи поэтик бутунлик ҳисобланади. Бунда уч астрономик замон ўлчови (ўтган, ҳозирги, келаси) ва ундан ташқаридаги замон-маконлар бир доирага жамланади. Шу тариха кейинги дostonлардаги эпик концепция белгиланади ва «Хамса» хронотопи учун замин ҳозирланади.

Иккинчи бўлимда «Эпик концепция универсаллиги: «уч ҳайрат» хронотопи» муаммоси қўйилган.

«Ҳайрат» феноменининг «Хамса» бадиий хронотопидаги вазифаси ва концептуал моҳияти уч муҳим омилдан келиб чиқади. Буларнинг биринчиси, муаллифнинг Яратганни ва ўзини англашдаги етакчи маърифий концепцияси билан, иккинчиси, хамсачилик тарихидаги композицион анъаналар билан, учинчиси, «Хамса»даги инсон образини бадиий талқинлаш усули билан боғлиқ. Диссертацияда айна омилларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида, «қолипловчи дoston» матни асосида таҳлил этилган.

Ўз моҳияти ва мақсадига кўра «Ҳайрат ул-аброр» инсонни (ўзликни) тафтиш этиш, бу орқали Яратганни англаш йўли жонли тасвир этилган асардир. «Хамса»нинг концептуал моҳияти «ҳайрат» истилоҳида акс этади. Муаллиф томонидан танланган сўз-концепция, айна пайтда, «Хамса»даги жанр, композиция, сюжет, образ сингари бадиий компонентлар табиатини ҳам белгилайди. Бизнингча, Алишер Навоий ушбу сўз-концепцияга тасодифан келиб қолмаган. Аввало, комил бир сўфий, бир муршид сифатида «ҳайрат»ни назарий ва амалий тафаккури призмасида қайта ишлаган. Иккинчидан, Шарқ-ислом маърифий тафаккури, тасаввуф тарихида мавжуд теран анъаналарга таянган. Шулар асосида «ҳайрат» феноменини «Хамса» марказига олиб чиққан. «Насойим ул-муҳаббат»нинг авлиёуллоҳ шайхлардан тўққизинчиси тавсифига доир бўлимида шундай ҳикмат келтирилади: «Ва ҳам Зуннун дебдурким: Оллоҳ зотини тафаккур қилишлик нодонлик ва Унга ишорат қилишлик ширкдур. *Маърифатнинг ҳақиқати ҳайратдур*» (таъкид бизники – У.Ж.)<sup>17</sup>. «Хамса» матнининг умумлашма таҳлили кўрсатадики, Алишер Навоий асаридаги ҳайратнинг илдизи шу маърифий концепцияга бориб такалади.

«Уч ҳайрат» бўлимида жон (руҳ)нинг учта ҳолати босқичма-босқич тасвирланган. Ҳайратнинг содир бўлиш жараёнлари, даражалари, жараён сўнгидаги олий мақомни тасвир этишда тадрижийлик ва тизимлилик принципи изчил сақланган. Бунга кўра, ҳайрат ва билишнинг биринчи босқичини ҳиссий (интуитив), иккинчи босқичини ақлий (рационал), олий мақомини нақлий (иймон – илоҳий ақл, ақли кулл) билиш ташкил этади. «Уч ҳайрат» бобида тасвир этилган «сафар»нинг ҳар бир босқичи «хожа»нинг мақомлар оша юксалиб боришини кўрсатишга қаратилган. Ҳар бир мақом ҳайрат ва ундан туғилажак маърифат орқали ҳосил бўлиши, маърифатнинг олий нуқтаси ва ҳақиқати эса Оллоҳни таниш экани бадиий асосланган. Бундай жараёнларнинг «ўрта олам» (ер, дунё ҳаёти ва жамият)га хос

<sup>17</sup> Алишер Навоий. МАТ. Т. 17. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 30.

талқинлари эса «Ҳайрат ул-аброр»даги «мақолатлар ва хикоятлар»да ўз аксини топган.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими «Аброр» хронотопининг маърифий-бадий омиллари» деб номланган бўлиб, унда биринчи дostonдаги «мақолатлар» ва «хикоятлар» тарихий ва назарий аспектлар синтези асосида таҳлил этилган.

Ж.С.Тримингэм «аброр» истилоҳига «муқаддас сўфийлик иерархиясидаги бир унвон» деган умумий таърифни беради<sup>18</sup>. Қавс ичида келтирган изоҳида эса бу сўзнинг бирлик шаклдаги арабча «баррун» сўзи ўзагидан келиб чиқиши, унинг сўзма-сўз маъноси эса «аҳдини бажарувчилар» эканини қайд этади. Аммо тадқиқотининг умумий мақсади, қолаверса, аксар Европа шарқшуносларига хос тарзда, бу истилоҳ моҳиятига чуқурроқ назар ташлашдан ўзини «тияди». Нажмиддин Кубронинг «Тасаввуфий ҳаёт» китобида келган «Тасаввуф истилоҳлари шарҳи»да «аброр» истилоҳи шундай шарҳланган: «Аброр – ўзи, сўзи-ю амали тўғри бўлганлар, яхшилик ва поклик ила танилган кишилар. Тасаввуфда аброр икки тоифага ажратилган: 1. Аҳли футувват бўлиб, булар ўзларини инсонийлик хизматига бағишлаганлар. 2. Махлуқотдан узоқлашиб бутунлай Оллоҳга бағишлаганлар, яъни ғайратга таслим зотлар»<sup>19</sup>. Бу шарҳ ҳам тасаввуф таълимоти доирасида бир қадар торайтирилгани, хослаштирилгани боис, Навоий аброри моҳиятини айнан ифодалайди, дея олмаймиз.

Бизнингча, Навоийдаги «аброр» истилоҳини фақат тасаввуфга оид хослаштирилган истилоҳлар тизимида тушуниш, тушунтириш ёки ўта дунёвийлаштириш ҳам бизни «Ҳайрат ул-аброр», ҳатто бир бутун «Хамса»ни асл моҳиятга кўра тадқиқ этишдан чалғитади. Чунки Навоий «Хамса»сида инсон феноменига оид замон-макон кўлами бир қадар кенгрок белгиланганки, у хосу авомни бирдек қамраб олади. Айнан шу жиҳати билан умумисломий, умумбашарий моҳият касб этади. Моҳиятига кўра «аброр» сўзининг луғавий «аҳдни бажарувчилар», «аҳдга содиқлар», «аҳдга вафо қилувчилар»<sup>20</sup> сингари маънолари Навоийда замон-макон нуқтаи назаридан максимал даражада универсаллаштирилган. Бундаги «аҳд» тушунчаси тўғридан-тўғри «алмисоқ» замонига, ундаги «Аласту бироббикум?» («Роббингиз эмасманми?») деган хитоб-саволга бориб боғланади. Ўшанда ибтидодан интиҳогача яратиладиган инсонлар руҳи «Қолу бала», яъни «Айтишди: Ҳа, албатта» («Аъроф»сураси, 172-оят), дея аҳд берганлар. Навоийнинг «аброр-одам»и мана шу аҳдга кўра улкан «сафар»га чиққан одамдир. Аброр йўли, моҳиятан, шу аҳдни бажариш, унга вафо изҳор этиш, ўз изҳорига амал қилиш йўлидир.

<sup>18</sup> Қаранг: Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского под редакцией с предисловием О.Ф. Акимовича. – М.: «Наука» главная редакция восточной литературы, 1989. – С. 277; 287.

<sup>19</sup> Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004. – Б. 208.

<sup>20</sup> Қаранг: Арабско-русский словарь. Составил проф. Х.К.Баранов. – М.: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1962. – Б. 74.

Биринчи дostonнинг «мақолатлар» ва «ҳикоятлар» бoбига қадар аброр-одамнинг «ҳайрат»да келтирилган икки олам – «малак олами», «малакут олами» ва бир мулкда – «бадан мулки» – етишган мақоми «аввалги» ва «ўрта» оламлар хронотопи доирасида умумконцептуал усулда бадиий талқин қилинади. «Ҳожа»нинг «адам шоми»дан «бадан мулки»гача бўлган синов йўли бoсқичма-бoсқич кўрсатилади. «Мақолатлар» ва «ҳикоятлар» бўлими эса бадан мулкида ҳукмдорлик мақомини эгаллаган «ҳожа»нинг дунёвий (ижтимоий, горизонтал хронотоп) сатҳдаги маърифати, Яратганни таниш, «асл ватан»га интилиш, бир сўз билан айтганда, «ўрта олам» замон-мақоми доирасида туриб, «аввалги олам» билан боғланиш воситалари ва шартларини мажоз-ҳақиқат усули билан талқин этишга қаратилган. Айни пайтда, мақолатларнинг ўзига хос изоҳи бўлиб келадиган ҳикоятлардаги аксар сюжетлар «Насойим ул-муҳаббат»да зикр этилган шахслар ҳаёти билан мос келади.

Аброр-одам ҳаёт йўли, унинг Оллоҳни таниш жараёнида бoсиб ўтадиган бекатлари, улуғ фазилатлари Навоий бадиий идеали, концептуал умумлашмалари учун асос бўлган. Аммо ҳаётда барча ҳам бу мақомга эриша олмайди. Ҳаётнинг азалий қонуниятларига кўра ориф билан жоҳил, комил билан фoсиқ, амин билан мунофиқ, саҳий билан баҳил, собир билан бeсабр, қоний билан томиё ёнма-ён юради. Оллоҳни англаш, аброрлик саодатига етишув йўли шу икки зидлик оралаб ўтади. Айни сабабдан Навоий ўз мақолатларида нишоннинг икки томонини ҳам кўрсатади. Уларни Қуръони Карим услубига хос ўткир драматик контрастда тасвирлайди. Бу ўринда ҳикоятлар мақолатларнинг бадиий далили вазифасини бажаради. Шу тариқа мақолатлар ва ҳикоятлар хронотопига универсал миқёсдаги бадиий вазифа юкланади. Натижада мақолат ва ҳикоятлар хронотопи «уч олам» хронотопи, хусусан, «Ҳамса»даги универсал хронотоп билан узвийлик касб этади. Шунингдек, Навоий мақолатлар ва ҳикоятлар доирасида кейинги дostonлар сюжети, Фарҳод, Мажнун, Баҳром, Искандар, Ширин, Лайли, Дилором ва бошқа қаҳрамонлар синов йўли, характери ва портретига хос асосий чизгилар, концептуал умумлашмаларини ҳам бериб кетади. Ишқ йўли бoсқичлари, ҳукмдор образлари типларининг поэтик тарҳини чизади.

Қайд этилган жиҳатлар бевосита воқелик тасвирига қурилган кейинги тўрт дoston сюжети тасвирида мукамал акс этади. Айни сабабдан диссертациянинг учинчи бoбини «Ҳамса»да **сюжет хронотопи** муаммосига қаратиш зарурати туғилди. «Ҳамса» сюжетида «йўл» хронотопи тизими» муаммоси қўйилган биринчи бўлимда ҳамса жанри поэтик структурасида асосий уйғунлаштирувчилик, сюжет ташкилловчилик вазифасини бажарадиган, кейинги тўрт дostonнинг биринчи дoston билан синтетик муносабатини таъминлайдиган етакчи хронотоп шакли хусусида фикр юритилади. Бу «йўл» хронотопи бўлиб, унинг «Ҳамса» умумхронотопи тизимидаги етакчилик мавқеи биринчи дostonдаги аброр йўлининг кейинги тўрт дoston сюжет чизиклари бўйлаб изчил суратда тармоқланиши, шу

тариқа тўрт мустақил йўл ҳосил қилишида кўринади. Бошқача айтганда, бу тўрт мустақил йўлнинг боши ҳам, ниҳояси ҳам «Ҳайрат ул-аброр»даги «катта йўл» (аброр йўли)га бориб туташади, поэтик сатҳда бир бутун «Хамса» жанри тизимига хос циркуляр ҳаракатни таъминловчи жонли механизмга айланади. М.Бахтин бадиий асардаги етакчи хронотоп шакли ҳақида: «Улар ё ўта мураккаб ёки муайян асар ва муаллифаро муносабатни таъминлаш учун хослашган бўлади. Шу билан бирга, *кўпинча улардан фақат биттаси қамровчилик ёки етакчилик вазифасини бажаради*» (таъкид бизники – У.Ж.), деб ёзади<sup>21</sup>. «Йўл» хронотопининг яна бир муҳим томони шундаки, айнан шу уйғунлаштирувчилик, қамровчилик миссиясига кўра муаллиф дунёқараши, эстетик идеали, бадиий ниятининг инъикоси ўлароқ намоён бўлади. Кўп ўринларда, реал муаллиф бўлмаса ҳам, асардаги муаллиф образи билан ёндош ўзан ҳосил қилиб оқа бошлайди. Асарнинг кульминацион нуқталарида бу икки ўзаннинг туташгани кузатилади. Алишер Навоий «Хамса»сида бу ҳолат ибтидо босқичдан эътиборан боқий замон кенгликлари бўйлаб изчил тарзда давом этадики, бу унинг, шубҳасиз, универсал хронотоп тизимига эга асар эканидан далолат беради.

М.Бахтин йўл хронотопининг сюжет поэтикасида «муҳим аҳамият»га эғалигини алоҳида таъкидлайди. Антик давр юнон романи, ўрта аср рицар романи, уйғониш даври реалистик романи, XVI аср айёрона романи, XVII – XIX асрлар жаҳон романчилиги йўл хронотопининг турли-туман қирраларини кашф этганини, бу жиҳат пировард-натижада жанр ривожини таъминлаганини қайд этади. Роман сюжетига хос энг муҳим воқеалар, М.Бахтин хулосасига кўра, айнан йўлда содир бўлади: «Йўлнинг бу қадар бой метафориклаштирилиши ҳам шундан: «ҳаёт йўли», «янги йўлга кириш», «тарихий йўл» ва бошқалар. Йўлнинг метафориклашуви турли-туман ва кўп қирралади. Аммо унинг марказий устуни замон оқимидир», деб ёзади давом этиб М.Бахтин<sup>22</sup>. Биз «Хамса»нинг қамровчи хронотопи сифатида белгилаган «аброр йўли»га нисбатан яқин хронотоп шаклини М.Бахтин фақат бир ўринда умумий тарзда қайд этиб ўтади: «Вольфрам фон Эшенбахнинг «Парцифал»ига ўхшаган романларда асар қаҳрамонининг Монсальватга томон реал йўли сезиларсиз ҳолатда йўл метафорасига, яъни уни (қаҳрамоннинг хатолари, тубанлашуви, йўлда содир бўладиган муайян ҳодисалар таъсиридаги) ё Худога яқинлаштирувчи ё Ундан узоклаштирувчи ҳаёт йўли, руҳ йўлига айланади»<sup>23</sup>.

«Хамса»даги қаҳрамон йўлининг эпос, роман ва халқ қиссалари қаҳрамони йўлидан фарқи шундаки, ошиқ ёки ҳукмдор сюжети воситасида биз бир йўла икки қатлам – биографик ҳамда метафорик йўл параллелизмга дуч келамиз. Яъни «Хамса»да тасвир этилган ошиқ ёки ҳукмдорнинг биографик йўли мажозни, унинг моҳиятида турувчи ишқ, маърифат ва жаҳолат аро кураш йўли эса ҳақиқат – Оллоҳга элтувчи йўлни билдиради.

<sup>21</sup> Бахтин М. Кўрсатилган асар. – Б. 251.

<sup>22</sup> Бахтин М. Кўрсатилган асар. – Б. 241.

<sup>23</sup> Бахтин М. Кўрсатилган асар. – Б. 241-242.

«Хамса» сюжети мана шу икки қатлам – мажоз ва ҳақиқат йўлини уйғунлаштириши билан эпос ва қиссадан фарқланади. Айни пайтда миллий, индивидуал талқиндан умуминсоний талқинга, горизонтал хронотоп миқёсидан «уч олам» хронотопи миқёсига кўтарилади.

Навоий «Хамса»сидаги «аброр йўли» изчил суратда «Хамса» сюжетида «сув» ва «сахро» хронотоплари»нинг (учинчи боб, иккинчи бўлим) ўрни ва бадий функциясини белгилаш учун асос вазифасини ўтайди.

«Хамса»да тасвири келган хронотоп шакллари ниҳоятда кўп ва хилма-хил. Шу билан бирга, уларнинг барчаси ўзаро уйғун ҳолатда йўл хронотопининг катта-кичик компонентларини ташкил этади. Айни хронотоп шакллари, «Хамса» жанри моҳияти ва марказий қаҳрамон йўли (биографияси)ни ёритиши нуқтаи назаридан турли тоифа ҳамда гуруҳларга ажралади. Сув<sup>24</sup> ва сахро хронотоплари «Хамса»даги умумлаштирувчи хронотоп – «йўл»га бошқа хронотоп шаклларига нисбатан яқин туради.

Ушбу хронотоп шакллари жаҳон эпоси, романчилиги, қиссачилигида фаол қўлланиб келган. Айниқса, денгиз хронотопи қадим юнон авантюра романи контекстида типологик моҳият касб этади. Роман қаҳрамонлари учун гоҳ нажот, гоҳ фалокат келтирувчи омил бўлиб хизмат қилади: бир томондан, ошиқ-маъшукани муродига етказувчи восита функциясини бажарса, айни пайтда, улар орасига тушадиган айрилиқ ҳам денгиз хронотопида содир бўлади. Бунда ошиқ-маъшуқа замин (ўз ватани – шаҳри, қабиласи, қишлоғи)дан бўлаётган тазйиқлардан қочиб, сув (денгиз)да нажот топади. Рақиб таъқибидан қутулиб, дўстни учратади. Денгиз сафарининг иккинчи қисми эса айрилиқ мотивига туташиб кетади. Тўғрироғи, айрилиқ мотиви айнан денгиздан ибтидо олади. Бу ҳам худди қочиш мотиви сингари роман сюжетидаги улкан бир мотив – айрилиқ мотивининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бир нечта мустақил эпизодларга, ички хронотоп шаклларига, ҳатто янги образларига эга бўлган бу ички мотив «денгиз ҳалокати»деб номланади. М.Бахтин денгиз хронотопига доир воқеаларнинг юнон авантюра романида учрашини улардаги географик ҳудудлар доираси билан изоҳлайди: «Айни сюжетга хос воқеалар ўта кенг ва хилма-хил географик ҳудудлар, *кўпинча денгиз ажратиб турган уч-тўрт мамлакат* (Юнонистон, Форс, Финикия, Миср, Бобил, Эфиопия ва б.) доирасида содир бўлади» (таъкид бизники – У.Ж.)<sup>25</sup>.

«Хамса»нинг учта достонида сув хронотопининг турли-туман шакллари учрайди. «Хамса» сюжетидаги денгиз хронотопи, унда юз берадиган воқеалар занжири, юнон романларидаги хронотоп шакллари билан кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса ҳам, уларнинг авантюрага мутлақо алоқаси йўқ. Негаки, Фарҳод, Мажнун, Искандар, Баҳромлар биографиясидаги шаклан

<sup>24</sup> Навоий «Хамса»сида сув билан боғлиқ хронотоп шакллари «дарё», «тенгиз», «бахр», «бахри муҳит»сингари турли номлар билан аталади. Баъзан дарё атамаси денгиз, баъзан бошқа сув манбалари маъносини билдиради. Шу ва бошқа сабабларга кўра, ушбу хронотоп шакллари умумлаштирувчи бирлик сифатида «сув хронотопи»истилоҳини қўллашни лозим топдик (-У.Ж.).

<sup>25</sup> Бахтин М. Кўрсатилган асар. – Б. 48.

авантюрага ўхшаб кўринадиган сюжетларнинг асоси, асарларнинг дебоча ва кейинги қисмларида, илоҳий ҳукмдан келиб чиқиши том маънода асосланади. Туғилмасиданоқ уларнинг миссиялари (ошиқлик, жаҳонгирлик, шоҳлик сингари) тақдирларида битилгани тўла далилланадики, бунда тасодифга сира ўрин қолмайди. Бошқача айтганда, юнон романида тасодиф категорияси гегемонлик қилса, «Хамса» дostonларида тақдир категориясининг мутлақ етакчилиги кузатилади. Буни «Фарҳод ва Ширин»даги денгиз ва унғача бўлган хронотоп шакллари аро тортилган сюжет занжири тўла далиллайди.

«Лайли ва Мажнун» дostonидаги саҳро хронотопи ошиқ (Мажнун) йўлининг муҳим босқичи ҳисобланади. «Хамса»нинг умумконцептуал сатҳида саҳро хронотопи узлат, жамиятдан қочиш маъноларини ифодалаб келади. Навоий талқинидаги Мажнун фақат битта йўл – ишқнигина тан оладиган, бошқа ҳар қандай қонуниятлардан юз ўгирадиган феноменал образдир. Агар «Садди Искандарий»да баҳри муҳит, «Фарҳод ва Ширин»да тоғ, «Сабъаи сайёр»да дашт асар сюжети ва қаҳрамон биографиясидаги якуний хронотоп вазифасида келса, «Лайли ва Мажнун»да бу вазифани саҳро хронотопи бажаради. Ўз бадий функциясига кўра хулосавий моҳият касб этади.

Умуман, саҳро хронотопи воситасида талқин этиладиган узлат, бегоналашув жараёни «Лайли ва Мажнун» ва бир бутун «Хамса» хронотопи кўламида умуминсоний моҳият касб этади. Мажнунга хос саҳро узлати, ғарб ва баъзи бошқа халқлар адабиётида талқин этилганидек, ижтимоий ёлғизлик, маънавий инқироз ёки илоҳий қонуниятлардан узоқлашувни эмас, аксинча, ўзлик ва борлиқни, бу орқали Оллоҳни билиш йўлидаги муҳим бир руҳий-маънавий босқични акс эттиради. Айни жиҳати билан биринчи дostonдаги «ўзни англаш» концепциясига тутатиб кетади.

Ушбу бобнинг учинчи бўлимида «Қаср» ва «тоғ-ғор хронотоплари поэтикаси» ўрганилди.

Диссертацияда қаср хронотопининг «Хамса» таркибидаги учта дoston сюжетида изчил суратда учраши, айни хронотоп шакли хамса жанри контекстида салмоқли ўринни эгаллаши асосланган. Айни хронотоп шаклининг: а) «Хамса» жанри умумконтекстида ўзига хос метафорик қатламни ташкил этароқ, ундаги қаср одами, ҳукмдор макони концепциясининг поэтик талқини учун хизмат қилиши; б) тоғ-ғор хронотопи билан тизимли муносабатни ташкил этувчи, умумлаштирувчи, боғловчи хронотоп вазифасини бажариши; в) хронотоп иерархиясига кўра сув ва саҳро хронотопларидан кейинги босқичда туриши; г) кўпинча сюжет воқеалари йўл воситасида сувдан қасрга ёки аксинча, қасрдан сувга томон кенгайиб, ривожланиб бориши «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» асарлари таҳлили асосида ёритилган. Таҳлил жараёнида «Хамса»даги қаср хронотопининг уч шакли – тўртлик, еттилик ва бирлик тизимлари аниқланган. Айни хронотопнинг «Фарҳод ва Ширин»да тўртлик,

«Сабъаи сайёр»да еттилик, «Садди Искандарий»да бирлик тизими кузатилиши, уч тизимнинг ҳар бири инсон феноменини маърифий-бадий талқин этувчи метафорик функцияни бажариши ҳақида умумлашмалар чиқарилган. Хусусан, «Фарҳод ва Ширин»даги:

Ки, гардун етти қасридур вафосиз,  
Жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз...<sup>26</sup>

мисралари бирикмаси синтез-байт экани, унда улкан кўламдаги макон ҳам, юзаки қарашда абадийдек туюладиган замон ҳам инкор қилингани, байтдаги «етти қаср»нинг етти осмон – бир бутун моддият, мавжудлик тизими («малакут олами»); етти иқлим («ўрта олам»); етти чакра (муҳим ҳаёт нуқталари)дан иборат «бадан мулки»ни англатиши, буларнинг Навоийга кўра, моҳиятан вафосиз, ўткинчи, бир куни интиҳо топувчи экани таҳлилий ёритилган. «Тўрт фасл» метафорасида замон назарда тутилиши, бу замоннинг «офариниш» (дунёнинг яратилиши) билан бошлангани, аммо еттилик тизими сингари бир куни интиҳо топиши муқаррар экани Навоий бадий концепцияси асосида умумлаштирилган.

Тоғ-ғор хронотопи «Хамса»даги барча дostonлар таркибида учраши билан бир қаторда, сюжет тизимида муайян даражавийлик, кетма-кетлик қонуниятига асосланади. Бу хронотоп шакллари «Хамса» умумсюжети таркибида шундай семантик хоссаларини намоён этади:

1) қаҳрамонга тоғ-ғор ҳақидаги ахборотнинг ғайриоддий йўллар билан аён бўлиши (ойна, сурат, туш, қромат ва ҳ.к.);

2) қаҳрамон гоҳ яққа ўзи, гоҳ ҳамроҳлар билан шу ахборотни реаллаштириш учун йўлга чиқиши;

3) шаҳар, хазина, мўъжизавий буюмни излаб йўлга чиққан қаҳрамоннинг сафар жараёнида тоғ-ғорга дуч келиши;

4) тоғ-ғор хронотопида яширилган тилсим ва мўъжизаларнинг биргина қаҳрамон (туш, ойна, сурат, қаромат эгаси)га тегишли бўлиши;

5) тоғ-ғор хронотопига оид тилсимларнинг, асосан, қаҳрамон томонидан ечилиши;

6) кўпинча ғорларда, тилсимланган маконларда қаҳрамонни кимдир (кўпинча халқ ичида афсона бўлган, донишманд, авлиё зотлар) кутиши;

7) тоғ-ғор билан боғлиқ оламшумул миссия қаҳрамон тақдирида битилган бўлиши;

8) мазкур хронотоп шаклларида баъзан асосий қаҳрамон, баъзан ошиқ – маъшуқа – рақибдан иборат қаҳрамонлар учлиги, баъзан муайян салтанат, халқ, миллат ҳаётида кескин бурилиш яшаш воситаси бўлиб келиши;

9) ушбу хронотоп чегарасини босиб ўтган қаҳрамон миссиясининг кескин ўзгариши, қаҳрамоннинг шахс сифатида бошқа сифат босқичига ўтиши – қайта туғилиши;

10) бу хронотоп чегарасидан ўтган қаҳрамоннинг умуман ортга қайтмаслиги;

<sup>26</sup> Алишер Навоий. МАТ. Т. 8. Хамса. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 79.

11) баъзи ҳолатлардагина жонсиз танасининг қайтиши ва ҳ.к.

«Хамса» сюжетида тоғ-ғор хронотопи, асосан, метафорик вазифа бажаради. Қуюқ метафорик бўёқ берилган хронотоп шакллари орасида тоғ, айниқса, ғорчалик сербўёқ, тўла метафориклаштирилган бошқа шаклни топиш мушкул.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Хамса»да образ хронотопи поэтикаси» тадқиқига бағишланган. Ушбу боб икки бўлимдан таркиб топган. Биринчи бўлимда «Хамса» образлар тизимида «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб» учлиги муаммоси тадқиқ этилган.

«Ошиқ», «маъшуқа», «рақиб» учлигининг «Хамса» хронотопи томон поэтик ҳамда хронотопик ҳаракат траекторияси тақрибан шундай: илоҳий китоблар – миф – эпос – роман – қисса – достон – «Хамса». Айни образ тизими семантик-структурал хоссасига кўра «Хамса»га қадар қуйидаги синкретизм, дифференциация ва синтетизм босқичларини босиб ўтган:

а) илоҳий китоблар (Забур, Таврот, Инжил, Қуръони Карим)да. Бунда башарият учун зарур, унинг келажак фаолиятига қаратилган муҳим ахборот сифатида нозил этилган;

б) мифда. Бунда сюжет ва образлар тартиби ўзгарган. Баъзан маъшуқа ўрнини рақиб эгаллаган бўлса, баъзида ошиқ назари тамомила бошқа объектларга қаратилган, бунда рақиб гоҳ ҳомий, гоҳ дўст сифатида талқин қилинган;

в) эпосда. Эпос учлиги қисман илоҳий китоблар, қисман миф таъсирида шаклланган. Замонлар ўзгаришига қараб, айни учлик моҳияти, шунингдек, эпос сюжет тизими ҳам турли ўзгаришларга учраган. Образлар ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик жиҳатдан миллийлашган. Ошиқ – миллий қаҳрамонга, маъшуқа – миллат онасига, рақиб – миллат рақибига айланган;

г) роман, қисса, достон жанрларида. Бу жанрлар доирасида «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб» учлигини бирлаштириб турадиган ягона жиҳат айни тизимнинг умумийликдан хусусийликка, умуминсонийлик ёки миллийликдан индивидуалликка томон оғишидир;

д) хамса жанрида: 1) учлик образ тизими универсал бадиий матн камровини эгаллади (беш достон ягона контекстда умумлашди); 2) эпик тасвир кўлами кенгайди (макон-замон жиҳатидан «уч олам» хронотопини қамраб олди); 3) концептуал нуқтаи назардан илоҳий миқёсга қайтди (аброр-одамнинг ошиқлик йўли Қуръони Карим асосида шакллантирилди); 4) ошиқ – маъшуқа – рақиб ҳақидаги илоҳий ахборот бадиий планда талқин этилди, асар семантик тизими учун асос қилиб олинди; 5) учлик образ тизимини уч мақомда, босқичма-босқич бадиий акс эттирди: авом ишқи, хавос ишқи, сиддиқ ишқи.

Ошиқ – маъшуқа – рақиб образлар тизими ўзак-моҳиятида ишқнинг уч босқичи туриши адабиёт тарихида илк бор «Хамса» жанри мисолида универсал кўламда ўртага қўйилди. Шу нуқтаи назардан «Хамса»даги образ тушунчаси, образлар тизими моҳиятини белгиловчи асос ишқ феномени

ҳисобланади. Бир ёки бир неча образ табиати, ички семантикаси, мақоми (даражаси), хусусан, хронотопик шакли ва кўламини бевосита ишқ белгилайди.

«Хамса»даги ошиқ – маъшуқа – рақиб тизими ва бу тизимнинг бир бутун жанр хронотопада универсаллашуви айнан «Маҳбуб ул-қулуб» таснифидан келиб чиқади<sup>27</sup>. Ҳатто муаллифнинг ўзи хавос ишқи таърифида бевосита «Хамса» қаҳрамонларига ҳавола қиладики, бу бизга ошиқ – маъшуқа – рақиб учлигининг бир бутун «Хамса» жанри доирасида ички семантик-структурал муносабатга эга экани, ишқ босқичларининг тадрижий йўсини ўлароқ бир-бирини тўлдириши, универсал бадиий концепцияни ифодалаш ҳақидаги умумлаштирувчи хулосага олиб келади.

Ушбу бобнинг сўнгги бўлимида «Хамса»да тарихий ва метафорик образлар хронотопи» ўрганилган.

Умуман, «Хамса»даги инсон концепцияси, «Хамса» образлари марказини ташкил этувчи аброр-одам феномени учта муҳим асосга қурилган. Буларнинг биринчиси, олдинги бўлимда кўриб ўтилган ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги; иккинчиси, тарихий образлар; учинчиси, метафорик образлардир. Булардан ташқари «Хамса» контекстининг турли нуқталарида, турли вазифаларда келадиган муаллиф образи, биографик образлар ҳам борки, улар у ёки бу жиҳати билан юқоридаги уч асосий образ тизимида синтезлашиб кетган.

Тарихий образлар «Хамса» хронотопининг белгиловчи, умумлаштирувчи, мустақил ҳаракат траекториясига эга тизими ҳисобланади. «Хамса»даги тарихий образларнинг бошқа образ шакллари билан муносабати муаллиф бадиий концепцияси аниқлиги ва реаллигини таъминлайди. «Хамса» образлар тизимида бажарадиган бадиий функцияси, муаллиф нуқтаи назарини ифодалаш жиҳатидан бундаги тарихий образларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: а) Идеал тарихий образлар. Бундай образлар сирасига Пайғамбарлар, чаҳорёр, саҳобалар, авлиё зотлар образлари киради ва улар бошқа тип образлардан замон нуқтаи назаридан идеал ўтмишни акс эттириши; муаллиф учун этик таянч, эстетик идеал, ибрат манбаи мақомида туриши; «Хамса» бадиий контекстида тарихий-бадиий категорияларни синтезловчи муҳим восита бўлиб келиши ва асар хронотоп майдонида айни функцияни бажаришга йўналтирилиши билан фарқ қилади; б) реал тарихий образлар. Навоий ижодий мулоқотга киришган, тажрибаларидан баҳраманд бўлган, бевосита тажриба алмашган, реал муносабатда бўлган тарихий шахслар киради. Реал тарихий образларнинг биринчи гуруҳини Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийлар; иккинчи гуруҳини Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бадиуззамон, Шохғариб Баҳодир сингари ҳукмдорлар; учинчи гуруҳини эса «Хамса»да ўз семантик-структурал моҳиятига кўра умумлаштирилган (ёки типиклаштирилган) «золим ҳукмдор», «риёи хирқапўшлар», «жаҳл майининг дурдкашлари»,

<sup>27</sup> Қаранг: Алишер Навоий. МАТ.Т. 14. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 67-70.

«худнамо муханнасвашлар» ва ҳ.к. образлари ташкил этади; в) метафориклаштирилган тарихий образлар. Айни гуруҳга оид образлар конкрет тарихий асосга эга бўлса ҳам, асар образлар тизимида метафориклаштирилган шаклда кузатилади. Бунга муаллиф, ҳомий ёки йўлбошчи, одил шоҳ ва золим шоҳ образлари киради.

«Хамса» образлар тизимида метафорик образларнинг ўзи улкан бир гуруҳни ташкил қилади. Уларнинг тўла илмий таснифини ишлаб чиқиш, ҳар бирига хос семантик-структурал вазифани белгилаш, ўзаро ва бошқа образлар билан муносабатда таҳлиллаш, «Хамса» бадиий системасида бажарадиган вазифаларини тадқиқ қилиш махсус монографик ёндашувни тақозо этади. Шунга кўра, диссертацияда метафорик образлар қуйидаги таснифга кўра, мухтасар таҳлил этилди ва айни таснифий план асосида назарий умумлашмалар чиқарилди. Бизнингча, метафорик образларнинг энг муҳимлари: а) инсон метафорик образи; б) «қуйи олам» вакиллари метафорик образи; в) сув ости дунёси метафорик образларидир. Таҳлил натижалари кўрсатдики, айни образлар ўзида тарихий ва метафорик хусусиятларни синтезлаши билан бир қаторда, асосан, муаллиф бадиий идеалини юзага чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилган.

## ХУЛОСА

1. Алишер Навоий «Хамса»сини хронотоп назарияси асосида тадқиқ этиш, асарга хос жанр, композиция, сюжет ва образлар моҳиятини белгилаш учун, биринчи навбатда, тарихий поэтика илми тажрибаларига таяниш лозим. Тарихий поэтика, методологик жиҳатдан, кўламдор бадиий ҳодисалар, поэтик категориялар қачон, қай йўсинда майдонга келгани, қандай унсурлардан таркиб топгани, шаклланиш тамойиллари, ҳаракат траекторияларини ўрганади. «Хамса» тарихий асар ўлароқ, ана шундай серқатлам, кўламдор жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

2. Тарихий поэтика адабий жанрларнинг шаклланиш қонуниятларини, жанр ичидаги бадиий компонентлар спецификасини циркулятив жараён сифатида ўрганар экан, уларга муайян замон ва макон сатҳидан туриб ёндашади. Айни пайтда, соф поэтик жараёнлар уч замон ва уч ўлчамли макон доирасида содир бўладики, «Хамса» поэтикаси муаммосини хронотоп назарияси асосида ўрганиш шу жиҳатдан муҳимдир.

3. Тарихий поэтика илми хулосаларига кўра, поэзиянинг илк намуналари синкретик шаклда бўлган. Тарихан инсоннинг муайян воқелик, нарса-ҳодиса, ҳаракатларга тақлидидан ўсиб чиққан. Синкретик бирлик сифатида мавжуд бўлган поэзия вақти келиб – ижтимоий, маданий, биологик, психологик жараёнлар натижасида – «физик портлаш» ҳодисасини бошдан кечирган. Натижа ўлароқ дифференциация жараёни бошланган. Синкретик шаклдаги поэтик бирликлардан ажралиб чиққан «бўлак»ларнинг циркулятив ҳаракати аста-секин синтетизм жараёнига олиб келган. Шу тариқа янги жанрлар, жанр компонентлари, поэтик канонлар майдонга келиши учун шароит туғилган.

4. Диссертация объекти бўлган «Хамса» жаҳон бадиий тафаккури, хусусан, Шарқ-ислом адабиётига хос синтетизм ҳодисасининг мукаммал намунаси ҳисобланади. Қиёсий таҳлиллар «Хамса»нинг эпос, дoston, роман, қисса, драма, ҳикоя, қасида, ғазал, сонет сингари жанрлар, «Шоҳнома», «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Ҳадиқат ул-ҳақойиқ» каби жаҳошумул асарларга хос специфик хусусиятлар, бадиий компонентларни ўзида синтезлаганини кўрсатади. Дастлабки таҳлил натижалари эса бизни «Хамса» – соф синтетик ҳодиса, айна пайтда, мустақил поэтик система, деган хулосага олиб келади.

5. Жаҳон адабиёти тарихида таркибан бир ёки бир нечта жанр шаклларини ўзида жамлаган мустақил асарлар учраб туради. Бу поэтик ҳодиса Ғарб фольклори ва ёзма адабиётида кузатилганидек, Шарқ адабиёти тарихида ҳам изчил тарзда кузатилади. Хусусан, жаҳон халқлари фольклорига оид эпос туркумлари, қадим юнон романлари, анбиёлар қиссалари, «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Шоҳнома» асарлари бадиий структураси «Хамса»га қадар айна жараён изчил давом этганидан далолат беради. Низомий асос солган бешлик (хамса) тизимининг тасодиф эмас, башарият эстетик тафаккурига хос муайян қонуниятлар асосида вужудга келганини кўрсатади.

6. Айна жараёнларнинг қиёсий таҳлилидан, «Хамса» ўзигача мавжуд жанр туркумларидан назарий канонларининг мукамаллиги, соф жанр хусусиятларини намоён этиши нуқтаи назаридан қатор фарқ ва устунликларга эга экани маълум бўлди. «Хамса»гача мавжуд туркум асарлар, гарчи муайян хусусиятлари билан мажмуавий моҳият касб этсалар-да, уларда жанр тизимини ташкил этувчи каноник бирликлар тизими мукаммал даражада шаклланмаган. Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий «Хамса»ларида ҳам бу жиҳат муаллиф бадиий мақсадига айланмагани боис, изчил, мустақил бадиий система сифатида намоён бўлмайди. Навоий эса бошданок айнан бир бутун бадиий система ижод этишни мақсад қилган эдики, буни «Хамса»нинг бир нечта ўринларида махсус таъкидлайди.

7. Тарихий жанрларни поэтик тадриж принципига кўра солиштириш Навоий «Хамса»сининг бир бутун жанр тизими эканини яққол кўрсатди. «Хамса»даги семантик-структурал бутунликни ташкил этувчи қолипловчи компонент вазифасини биринчи дoston бажариши маълум бўлди. Биринчи дostonнинг кейинги тўрт дoston билан семантик-структур муносабатида эпик универсализация тамойили етакчилик қилади. Эпик универсалликни ташкил этувчи семантик-структурал бирликлар жанр канонларини ташкил этади ва, айна пайтда, «Хамса» – универсал жанр дейишимизга асос беради. Хронотопик муқояса ва таҳлил натижаларига кўра, айна каноник бирликларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: а) универсал эпик замон; б) универсал эпик макон; в) универсал сюжет ва фабулавий тизим; г) универсал образ; д) универсал эпик концепция.

8. Навоий «Хамса»сидаги эпик хронотоп универсаллиги «Хайрат ул-аброр»нинг «дебоча» қисми семантик-структурал тизимида ўз аксини топган. Ундаги ҳамд, муножот ва наътларнинг тизимли таҳлили шундай хулоса қилишга имкон беради. Айни хронотоп шакли «аввалги», «ўрта» ва «куйи» оламдан иборат уч ўлчамли бадиий замон-маконни бир бутун тасвир этишга қаратилади. Уйғун ҳолатда Яратган – борлик – инсон учлигини циркулятив муносабатда поэтик талқин этади.

9. Биринчи дostonдаги «уч хайрат» бўлими «Хамса»даги муаллиф концепциясини бадиий асослашга хизмат қилган. Унда «хожа» бошидан кечирадиган хайратнинг уч босқичи – ҳиссий (иррационал), ақлий (рационал) ва нақлий (ақли кулл – сверхрационал) хайрат босқичлари – кейинги дostonлардаги ишқ мақомлари учун бадиий-концептуал асос вазифасини бажарган. Бинобарин, авом ишқига ҳиссий (иррационал), хавос ишқига ақлий (рационал), сиддиқ ишқига нақлий (сверхрационал) хайрат пойдевор бўлиб хизмат қилган. Зотан, Баҳромдаги нафс, Фарҳод ва Мажнундаги хос ҳолатлар, Искандардаги Яратганга сидқ, нақлга қатъий амал қилиш тамойили шундан далолат беради.

10. Биринчи дostonдаги «мақолат» ва «ҳикоят»лар бўлимида бадиий талқин этилган инсон концепцияси марказида аброр-одам феномени туради. Бундаги аброр-одам образи ўзигача мавжуд бадиий, тасаввуфий истилоҳлар доирасига сиғмайди. Маъно-моҳиятига кўра «ал-мисоқ» замонида, унда Яратган олдида берилган «аҳд»га бориб тақалади. Луғавий ҳамда бадиий-концептуал маънода «ал-мисоқ»да берган аҳдига содиқ инсонни билдиради. Айни сабабдан Навоий аброр-одами умумбашарий моҳият касб этади. Шу билан бирга, кейинги тўрт дostonдаги марказий образларни семантик-структурал жиҳатдан ўзида жамлайди.

11. «Хамса»даги «аброр йўли» талқини ва «аброр-одам» образининг назарий асослари Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ўз аксини топган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва тўрт саҳобадан ташқари Баҳоуддин Нақшбанд, Боязид Бистомий, Робиъа Адавия, Иброҳим Адҳам каби авлиё зотларнинг эпизодик образлари таҳлили бизни шундай хулосага олиб келади.

12. «Хамса» умумсюжетида «йўл» хронотопи жанр, композиция, сюжет, образ ташкил этувчи, камровчи хронотоп вазифасини ўтайди. Айни хронотоп воситасида биринчи дostonдаги «аброр йўли» ва «аброр-одам» образи кейинги тўрт дostonдаги «йўл» хронотоплари билан семантик-структурал муносабатга киришади. Дастлаб ишқ йўли ўлароқ уч тармоққа ажралгани ҳолда, асар хотимасида бир ўзанда туташади. Ягона йўл ҳосил қилиб, муаллиф бадиий концепцияни хулосалайди.

13. «Хамса»даги сув хронотопи умумлаштирувчи «йўл» хронотопининг аброр-одам образи моҳиятини очиш учун муҳим роль ўйнайдиган сертармоқ шакли ҳисобланади. Навоийда «дарё», «тенгиз», «баҳри муҳит» тарзида келадиган сув хронотопи ўта қадимий хронотоп шакли бўлиб, Шарқу Ғарб

халқлари эпослари, қисса, новелла, эртақларда сюжет айнизамонлиги ва айризамонлигини таъминлашга, қаҳрамон характерининг муҳим қирраларини кўрсатишга, хусусан, учрашув хронотопини ташкил этишга хизмат қилади. «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonларида маконнинг фольклор жанрларига хос ғаройиб кўринишлари, замоннинг мўъжизавий шакллари намоён этади.

14. «Йўл» хронотопида кузатилганидек, сув хронотопининг турли шакл ва мазмундаги намуналарида эпос, роман, қисса, новеллалар сюжети билан аналогик нукталар кўзга ташланади. Айниқса, қадим юнон авантюра романидаги денгиз сафари, тўфон, қароқчилар ҳужуми, асирлик, қутулиш, айрилик, учрашув каби хронотоп шакллари «Хамса» дostonларида ҳам учрайди. Аммо уларнинг ўртасини икки ўзаро зид концептуал тамойил кескин ажратиб туради. Яъни юнон романида тасодиф категорияси барча сюжет бўлақларини боғловчи бадиий восита ҳисобланса, «Хамса»да бу функцияни тақдир категорияси бажаради. Ва, айнан шу жиҳатига кўра, «қолипловчи дoston», хусусан, «Хамса» умумконцепцияси билан синтезлашиб кетади.

15. «Сахро» хронотопи «Хамса»нинг бир нечта дostonларида турли вазибаларда намоён бўлади. Фақат «Лайли ва Мажнун»да қаҳрамон билан жамият ўртасидаги зиддиятлар оқибати, узлат макони, ошиқнинг ботин ҳолати, ҳижрон тимсоли, сўнгги манзил метафораларини ифодалайди. Айни жиҳатлари билан «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonларидаги денгиз хронотопи билан тенг мақомни эгаллайди. «Хамса» контекстида Мажнун ва Лайли ишқини аброр-одам образида умумлаштириш функциясини бажаради.

16. Навоий «Хамса»сида қаср хронотопининг уч тизими мавжуд. Булар: бирлик, тўртлик, еттилик тизимларидир. Қаср хронотопининг бирлик тизими («Садди Искандарий»да) ягона ҳукмдор ғоясини, тўртлик тизими («Фарҳод ва Ширин»да) ўткинчи умр фасллари талқин этса, «Сабъаи сайёр»даги еттилик тизими «аруси даҳр» ва инсон нафси муносабатини бадиий жиҳатдан асослашга хизмат қилган.

17. «Хамса»даги образлар тизими Шарқ-ислом бадиий тафаккуридаги маърифий дунёқараш, эстетик критерийлар негизида шаклланган. Ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги эса Навоий «Хамса»си образлар тизимининг биринчи ва марказий типи ҳисобланади. Айни учлик типнинг генетик асослари Қуръони Каримда хабари келган Одам ато – момо Ҳавво – иблис учлигига туташади. Универсал кўламда аброр йўлининг асл моҳиятини ифодаловчи асос-концепция вазифасини ўтайди. Навоий мазкур учлик тизимни «Маҳбуб ул-қулуб» асарида назарий пойдевори кўйилган «авом ишқи», «хавос ишқи», «сиддиқ ишқи» асосига қуради. Бундан Навоийнинг ўзигача мавжуд анъанавий хамса образлари таркибида айни тизимни янгилагани, универсал кўламга олиб чиққани, бадиий адабиётга хос диний-

маърифий, тасаввуфий-адабий анъаналарни янги босқичга кўтаргани аён бўлади.

18. Навоий «Хамса»сида ошиқ – маъшуқа – рақиб учлигидан кейин келадиган образлар тизими икки мустақил типда намоён бўлади. Буларнинг биринчиси тарихий образлар бўлиб, уч гуруҳга тармоқланади: идеал тарихий образлар, реал тарихий образлар, метафориклаштирилган тарихий образлар. Ўз навбатида, ҳар бир гуруҳ ички специфик гуруҳчаларни ташкил этади. Иккинчи тип метафорик образлар. Бу тип образлар уч йирик гуруҳга бўлинади: а) инсон метафорик образи; б) ер ости дунёси метафорик образлари; в) денгиз ва саҳрога оид метафорик образлар. Мана шу икки тип образ тизими ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги билан семантик муносабатда ҳаракатланади, «Хамса» семантикаси ва ундаги инсон концепциясини асослашга хизмат қилади.

Умуман, Навоий «Хамса»сини хронотоп поэтикасига кўра назарий тадқиқ этиш, унинг мустақил жанр, оригинал композицион система, ўзига хос сюжет, мукамал образ тизимига эга универсал поэтик ҳодиса экани ҳақида яқуний хулосага олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. Fil. 46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,  
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

**ДЖУРАКУЛОВ УЗОК ХАЙДАРОВИЧ**

**ПОЭТИКА ХРОНОТОПА В «ПЯТЕРИЦЕ» АЛИШЕРА НАВОИ**

**10.00.07 – Теория литературы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)  
ПО ФИЛОЛИГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**город Ташкент – 2017 год**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.DSc/Fil.47**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский) на веб-сайте [www.tai.uz](http://www.tai.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Куранов Дилмурод Хайдаралиевич</b> доктор филологических наук, профессор
	<b>Салахий Дилором Исомиддин кизи</b> доктор филологических наук
	<b>Ахмедова Шоира Нематовна</b> доктор филологических наук
<b>Ведущая организация:</b>	Государственный музей литературы имени Алишера Навои

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.fil.46.01 по присуждению научных степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ (Адрес: 100060, Ташкент, Шахрисабзский проезд, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzci.net).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за номером \_\_\_\_). Адрес: 100100, Ташкент, Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(Протокол рассылки от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года).

**Б.А.Назаров**  
Председатель научного совета по  
присуждению научных степеней, академик

**Р.Баракаев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению научных степеней, канд.  
филол. н.

**Н.Ф.Каримов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению научных  
степеней, доктор филол. н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация к докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** XXI век ставит на повестку дня проблему изучения творчества писателей общечеловеческого масштаба, к числу которых относится и Алишер Навои, с позиций глобализованной научно-теоретической мысли. Применение опытов исторической и теоретической поэтики в системе обновляющихся и совершенствующихся год от года теоретических методов и изучение на этой основе произведений великих мастеров слова с мировым именем, в том числе Алишера Навои, стала актуальной задачей современной литературоведческой науки, что предполагает осуществления комплексного исследования творчества великого поэта. Этим обусловлена необходимость изучения «Пятерицы» Алишера Навои на основе теории хронотопа. Такое исследование приобретает особую значимость и тем, что способствует приобщению узбекского литературоведения к глобальным процессам, происходящим в мировой художественной мысли.

Узбекский народ, обладающий исторически богатым культурным наследием, самобытностью и образом мышления подарил миру целую плеяду великих мыслителей и среди них Навои занимает особое место. Узбекское навоиведение периода независимости достигло определенных успехов в области классификации источников, текстологического анализа и издания произведений поэта, исследования их в историко-биографическом, сравнительно-историческом, научно-суфийском аспектах. Изучение наследия Навои в общечеловеческих масштабах на основе мировоззрения и художественно-концептуальных принципов автора, типологическое исследование жанровых, сюжетных и композиционных особенностей, системы образов его произведений, вопросов поэтики стиля являются важными задачами, стоящими перед современным узбекским литературоведением. Наш народ, который четверть века тому назад обрёл суверенитет, сегодня, вступая в мировое сообщество как независимый субъект международных отношений, в первую очередь, должен опираться на наследие своих великих предков, в том числе и Навои, постигать истинную суть этого огромного духовного богатства. В действительности «Какой глубокий смысл содержат вот эти строки нашего поэта-мыслителя: «Одами эрсанг демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами» т.е. жить в этом мире заботами о людях – это высший критерий человечности»<sup>1</sup>. В свете вышеизложенного становится очевидным, что изучения творчества Навои на основе тысячелетней восточно-исламской этики, поэтических критериев Востока, исследование хронотопа его «Пятерицы» в контексте мировой литературы является актуальной и вместе с тем новой проблемой литературоведения.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 112.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит своеобразным подспорьем в выполнении задач, вытекающих из Указов Президента Республики Узбекистан «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 г. за №УП – 4797; «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года за №УП 4947; «О мерах дальнейшего развития системы высшего образования» от 20 апреля 2017 г. за №ПП 2909; «О мерах совершенствования деятельности Академии наук, организации, управления и финансировании научно-исследовательских работ» от 17 февраля 2017 г. за №ПП2789; «О программе комплексных мер по развитию издательско-распределительной системы книжного дела, книжной грамотности» от 13 сентября 2017 г. за №УП 3271, а также других нормативно-правовых актов.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан.** Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

#### **Обзор международных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.**

Исследования по проблемам жизни и творчества, литературно-познавательных, научно-теоретических воззрений Алишера Навои и поэтики хронотопа ведутся в крупных научных центрах мира и высших учебных заведениях, в том числе в Московском государственном университете, Санкт-Петербургском государственном университете (РФ), Harvard University (США), Oxford University (Англия), University of Bonn (Германия), Slavic Research Center of Hokkaido University (Япония), University of Tehran (Иран), Institut Francais d' Etudes sur l'Fsie centrele, IFEAC (Франция), Киевском национальном университете (Украина), Ankara Üniversitesi (Турция), Bakı Dövlət Universiteti (Азербайджан), Казахском национальном университете (Казахстан), а также Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз, Самаркандском государственном университете (Узбекистан).

Мировым литературоведением достигнуты следующие результаты по изучению творчества Алишера Навои и проблемы поэтики хронотопа. Создана биография Алишера Навои, обобщены сведения о социальной и литературной среде эпохи Навои, исследованы художественно-эстетические и типологические особенности лирических, эпических, биографических и

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе <http://www/payam-aftab/cjm/en/news/3094/Ali-Shir-NBava27i>; <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; [http://top/mail.ru/jimp](http://top.mail.ru/jimp); <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; [http://top/mail.ru/jimp](http://top.mail.ru/jimp); <http://www.refurun.com/n/issledovanie-zhizni-itvorchestva-alishera-navoi-v-zapadnoevropeyskom-vostokovedenii#xzz2HOWXH41O> и других источников.

научно-теоретических сочинений поэта (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет); на основе компаративистического анализа определено место Алишера Навои в классической литературе Востока (Harvard University, Oxford University, University of Bonn, Institut Francais d' Etudes sur l'Asie centrale, IFEAC); изучены композиция, сюжет, поэтические особенности образов в произведениях Навои (Slavic Research Center of Hokkaido University, University of Tehran); осуществлён сравнительный анализ произведений Навои и Низами, рассмотрены традиции хамсаписания в классической литературе и их влияние на творчество Навои (Ankara Üniversitesi, Baki Dövlət Universiteti); определены истоки творчества Навои, его произведения исследованы в аспектах истории литературы, фольклористики, теоретического литературоведения, текстологии и поэтики текста (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора Ан РУз, Самаркандский государственный университет); обоснована роль поэтики хронотопа в трансформации и инверсии поэтического сюжета (Harvard University, Oxford University, University of Bonn); выявлены сущность термина «хронотоп» и его художественно-эстетические основы, раскрыты специфические особенности хронотопа романа, повести, рассказа, драматических и лирических родов, а также место и значение поэтики хронотопа в динамике исторических образов, теоретически обоснована мысль о том, что хронотопные формы являются важными поэтическими единицами, движущими всех художественных компонентов, обеспечивающих развитие литературных жанров (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет); выявлена тесная связь сюжета, композиции и образной системы художественного произведения с поэтикой хронотопа, освещены проблемы концепции художественного времени (Институт узбекского языка, литературы и фольклора Ан РУз, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Бухарский государственный университет).

Крупными учёными мира ведутся работы в следующих направлениях: исследование типологии исторических жанров, присутствующих в творчестве Навои; раскрытие композиционных особенностей произведений Навои; изучение и обоснование трансформации сюжета и образов «Пятерицы»; определение форм художественного хронотопа и специфики их проявления в контексте литератур Востока и Запада.

**Степень изученности проблемы.** Первое издание «Пятерицы» Алишера Навои опубликовано в 1939 г. В 1960 г. навоиведом П.Шамсиевым было подготовлено и вышло в свет полное издание «Пятерицы». В то же время осуществлено издание собрания сочинений Навои в 15 томах. В промежутке между 1987 и 2003 годами издан двадцатитомник, а в 2011 г. десяти томник полного собрания сочинений Алишера Навои. Все эти работы

оказали существенное, положительное влияние на развитие литературно-исторического процесса, особенно, в следующих четырёх аспектах: а) способствовали формированию академической системы текстологии и источниковедения<sup>3</sup>; б) обеспечивали комплексно изучению наследия Навои; в) повысили научный уровень исследований в сравнительно-историческом и теоретическом направлениях; г) открыли путь изучению эпического наследия поэта, в частности, вопросов поэтики «Пятерицы». Несмотря на существующие проблемы, связанные с социально-общественной жизнью эпохи и методологией литературоведения, можно утверждать, что, начиная с 20-годов XX века до сегодняшнего времени навоиведение приобрело конкретные очертания как самостоятельное научное направление.

Первые исследования посвященные изучению «Пятерицы» выполнены представителями узбекского литературоведения эпохи национального возрождения. В своих работах обратили внимание: А.Фитрат в 20-е годы в своей книге «Образцы узбекской литературы» и в исследовании, посвящённом дастану «Фархад и Ширин»; В.Махмуд в некоторых своих статьях в виде замечаний и сопоставлений; А.Саъди в своих статьях и докторской диссертации<sup>4</sup>.

В своих работах, опубликованных в 1920 – 1940-е годы, в частности, в книгах Олима Шарафиддинова «Алишер Навои», Жизнь и творчество», С.Айни «Алишер Навои», М.Шайхзоде «Гениальный поэт» и в сборнике «Родоначальник узбекской литературы» в общем контексте были рассмотрены жизнь и творчество Навои и вопросы, связанные с изучением «Пятерицы». Изданы работы Х.Зарифа и Х.Алимджана, появились исследования таких представителей академической школы как В.Бартольд, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, А.Якубовский, А.Болдырев, имеющие большую научную значимость<sup>5</sup>. Среди них следует особо подчеркнуть работы Е.Э.Бертельса, комплексно исследовавшего жизнь и творчество Алишера Навои в сравнительно-историческом, сравнительно-типологическом, текстологическом аспектах.

В трудах таких учёных, как В.Захидов, Х.Сулейманов, И.Султон, А.Каюмов, С.Ганиева, А.Хаитметов, А.Абдугафуров, А.Рустамов, Б.Валиходжаев, С.Эркинов, Н.Комилов, Я.Исхаков, Р.Вахидов, И.Хаккулов, созданных в 1960-1990-годы, осуществлено сравнительное изучение эпической поэзии Навои с фольклором и произведениями классической

---

<sup>3</sup> Об этом см.: Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (қиёсий-типологик, текстологик таҳлил): Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1998. – 45 б. Тот же автор. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.

<sup>4</sup> См.: Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 7-53.

